

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАҚОВА ЗАМИРАХОН РУҲИТДИНОВНА

**ИРФОН ВА УНИНГ ШАРҚ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРИ
РИВОЖИДАГИ ЎРНИ (X-XIII АСРЛАР)**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the Doktoral (DSc) Dissertation Abstract

Исакова Замирахон Рухитдиновна

Ирфон ва унинг Шарқ фалсафий тафаккури ривождаги

ўрни (X-XIII асрлар) 3

Исакова Замирахон Рухитдиновна

Ирфан и его роль в развитии философской мысли

Востока (X-XIII вв.) 31

Isakova Zamirakhon Rukhitdinovna

Irfan and its place in the development of Eastern philosophical thinking

(X-XIII centuries) 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 66

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАҚОВА ЗАМИРАХОН РУҲИТДИНОВНА

**ИРФОН ВА УНИНГ ШАРҚ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРИ
РИВОЖИДАГИ ЎРНИ (X-XIII АСРЛАР)**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Fal79 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тураев Бахтиёр Оманович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Соҳибназар Каримович
фалсафа фанлари доктори, доцент

Нуритдинов Махмудходжа Низамович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Мадаева Шаҳноза Омонуллаевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40 e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____ куни тарқатилди.
2022 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш.Негматова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
фалсафа ф.б. фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Р.Самадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнги вақтларда дунё халқларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш, халқаро маданий трансформация жараёнини меъёрлаштириш, умумбашарий қадриятларни юксак мақомга кўтариш, инсониятни ягона мақсад сари бирлаштириш ва ўзаро ҳамжиҳатликка йўналтириш каби талабларга жавоб берадиган, умуминсоний хусусиятларга эга бўлган конструктив маънавий қадриятлар тизимини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнида “маънавий қашшоқлик”, “ахлоқий нигилизм” каби умумбашарий характерга эга бўлган иллатларга қарши курашишда ворисийлик ва замонавийлик принципини уйғунлаштирган ҳолда олиб бориш, тасаввуф ва ирфоннинг инсон камолотига маънавий-руҳий соғломлаштирувчи таъсирини ҳозирги давр янгиликлари билан синтезлаш зарурияти сақланиб қолмоқда.

Жаҳон илмий-фалсафий мероси тараққиётида Шарқ фалсафасининг онтологик, гносеологик, аксиологик, фалсафий-ирфоний, хусусан, инсоннинг ижтимоий-маънавий камолоти концепцияси доирасида фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, мутасаввифлар маънавий меросида илгари сурилган Яратувчи, борлик ва инсоннинг моҳияти ҳақидаги қарашларни тадқиқ қилиш асосида умуминсоний маданиятлар контекстида консенсус ва толерантлик каби тамойилларнинг маърифатли жамият тараққиётидаги альтруистик мазмунини илмий-назарий асослаш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу маънода, ирфоннинг Шарқ фалсафий тафаккури ривожига ўрнини аниқлаш, ирфоннинг таркибий қисмларини таснифлаш, инсон руҳияти, ахлоқи ва маънавиятидаги бўшлиқларни ирфон аҳлининг асарларига мурожаат қилиш орқали тўлдириш, инсон руҳиятининг инновацион тадқиқи бугунги илм-фаннинг зарур тадқиқот объектига айланмоқда.

Мамлакатимизда маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ижтимоий таъсирини ошириш, альтруистик ахлоқий меъёрларни тузатиш, деструктив таъсир кўрсатувчи ижтимоий хавфларнинг олдини олиш, глобал муаммолар ечимига маърифат билан ёндашиш, ахлоқий етуклик ва маънавий камолот сари етаклайдиган ғояларни ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Янги таҳдидлар, жумладан, “оммавий маданият” хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларнинг йўқолиш муаммоси юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда”¹. Шу жиҳатдан олганда, ирфон фалсафасида муҳим дилемма сифатида қаралган инсон дунёқараши, ахлоқи ва фаолиятини тўғри шакллантириш, комил инсонни тарбиялашда ижобий таъсир этувчи фалсафий, тасаввуфий ва гуманистик ғояларнинг

¹ Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 29.

моҳиятини ёшлар онгига сингдиришда соғлом эътиқод, юксак маънавият, ирфоний тафаккурнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама илмий-назарий тадқиқ этиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сон “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” мавзусидаги устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Дунёнинг турли минтақаларида Шарқ ислом цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган мутасаввифларнинг борлиқ, билиш ва ўзликни англашга доир маънавий меросини тизимли таҳлил асосида ўрганиш, уларни бугунги маданий трансформация жараёнлари билан уйғунлаштириш ва умуминсоний қадрият сифатида жаҳон тамаддунида тутган ўрнини аниқлаш масалалари бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Peace Research Institute Frankfurt, Centre of Scientific investigation of Civil Society (Германия), Centre International investigate of Oxford University, School of Culture, religions and policity in Asia (Буюк Британия), The George Washington University, Centre of scientific investigation of Central Asia, Hofstra university (АҚШ), University of Wester Ontario (Канада), Institute of Central Asia (Франция), Institute of International relation (Швеция), Al-Azhar university (Миср), Istanbul Üniversitesi (Туркия), Институт Восточных рукописей РАН

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.en.hs-furtwangen.de;> <https://www.en.uni.muenchen.de;> <https://www.univ-lille.fr;> <https://www.lse.edu;> <https://www.umich.edu;> <https://www.doshisha.as.jp;> <https://www.utoronto.edu;> <https://www.sbu.ca;> <https://www.unn.ru;> <https://www.library.fes.de;> <https://www.ritsumeic.jp/> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

(Россия), Казанский федеральный университет (Қозон), Дагестанский государственный университет (Махачкала) тадқиқотчилари томонидан фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳон фалсафаси тарихи манбаларида тасаввуф таълимотининг ижтимоий-фалсафий масалалари бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: тасаввуф тарихида тариқатларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни илмий асосланган (Humbolt University of Berlin, Германия); тасаввуф, калом, фикҳ, ирфоннинг ўзаро муштарак ва фарқли томонлари ўрганилиб, теологик моҳияти очиқ берилган (Al-Azhar university, Қоҳира); тасаввуфий тамойиллар ва тасаввуфий-ирфоний ғояларнинг комил инсон принципларига ворисийлик таъсири илмий-назарий асосланган (School of Culture, religions and politics in Asia, Буюк Британия); мутасаввифларнинг илмий-фалсафий мероси каталоги ишлаб чиқилган (Institute of Central Asia, Франция; Россия ФА Шарқ кўлэмалари институти, Россия); суфийларнинг маънавий мероси, комиллик мезонларининг интеграцияси ва бағрикенглик тамойиллари илмий асосланган (Hofstra university, Нью Йорк); тасаввуф тарихида Марказий Осиё мутасаввифларининг маънавий мероси турли аспектларда таҳлил қилинган (Islamic Supreme Council of America); Марказий Осиё мутафаккирлари ижтимоий-ахлоқий қарашларининг антропологик тамойиллари ёритилган (Санкт-Петербург университети, Россия); суфийлар ижтимоий-ахлоқий қарашларининг аксиологик аспекти тадқиқ этилган (Дагестанский государственный университет, Махачкала); тасаввуфнинг инсонпарварлик ва ворисийлик тамойиллари тадқиқ этилган (Казанский федеральный университет, Қозон).

Дунёда тасаввуф ва ирфон илми ривожининг фалсафий жиҳатларини ўрганиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тасаввуф антропологияси; тариқатлар генезиси ва ворисийлик тамойилларининг диалектик алоқадорлигини илмий асослаш; инсонпарварлик ғояларининг тасаввуфий-ирфоний мазмун-моҳияти, тасаввуфнинг ислом олаmidан чиқиб, умумбашарий қадрият сифатида ривожланиб бориш тенденцияларини ўрганиш; тасаввуфий-ирфоний кўлёма манбаларнинг таржимаси, шарҳи, қиёсий таҳлили, илмий-танқидий матнини тайёрлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тасаввуф таълимоти, унинг билишга оид масалалари ҳамда X-XIII асрларда яшаган мутасаввифларнинг фалсафий-ирфоний қарашларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларни шартли равишда а) Ғарб ва Шарқ хориж шарқшунослари; б) совет шарқшунослари в) мамлакатимиз олимлари: тарихчилар, адабиётшунослар ва файласуфларнинг тадқиқотларига ажратилди:

а) А.Арберри³, М.Массиньон, А.Мец, Р.Никольсон, Б.Радтке, У.Рудольф, Ж.Тримингэм, У.Читтик, А.Шиммель каби хориж шарқшуносларининг

³ Arberry A. Sufism. – London: George Allen and Unwin LTD, 1950. Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

тадқиқотларида тасаввуф таълимотининг моҳияти, сўфийлар ҳаёти ва фаолияти, тариқатларнинг тарихи, ўрта асрлар мусулмон жамиятида тутган ўрни, ривожланиш тенденциялари, ирфоний билиш хусусиятларини очиб берувчи айрим тасаввуфий атамалар ўрганилган.

Шарқ хориж олимлари С.Гўкбулут⁴, А.Гўлпинорли, М.А.Жўшон, А.Зарринқўб, С.Нафисий, Ж.Нурбахш, Э.Селжик, Н.Тосун, У.Турар, С.Улудоғ каби олимларнинг тадқиқотларида Шарқ фалсафий тафаккурининг тадрижий ривожи ҳамда ирфонга тегишли масалаларнинг айрим жиҳатлари ўрганилган;

б) совет шарқшунослари В.Бартольд⁵, Е.Э.Бертельс, А.Кныш, М.Мухамедходжаев, И.Петрушевский, А.Смирнов, М.Степанянц, Е.Фролова А.Хисматулиннинг тадқиқотларида тасаввуф таълимотининг генезиси, тариқат, ҳол, мақомот, тасаввуфий-ирфоний манбаларнинг фалсафий таҳлили орқали тасаввуфнинг янги қирралари очиб берилган. Бу тадқиқотлар мавзу доирасидаги тасаввуфнинг моҳияти, гносеологияда ирфон илмининг ўрни тадқиқига доир муаммоларни очиб беришда муҳимдир;

в) тарих йўналишида А.Абдуллаев⁶, А.Жўзжоний, М.Исмоилов, Д.Махсудов, Н.Мухамедов, А.Мўминов, И.Остонакулов, С.Оқилов, К.Раҳимов И.Усмоновнинг тадқиқотларида тасаввуфга оид манбалар таҳлили, ислом фалсафасининг моҳияти, тасаввуфнинг калом, фалсафа билан боғлиқ жиҳатлари ҳамда тариқат намояндаларининг маънавий мероси билан боғлиқ масалалар ўрин олган.

Адабиётшунослик йўналишида тасаввуфнинг бадий ижод ривожига таъсири билан боғлиқ масалалар бўйича Н.Комилов⁷ тасаввуф генезиси ва бадий ижод билан муштараклиги, А.Абдуқодиров тасаввуф ва “ваҳдат ул-вужуд” муаммоси, И.Ҳаққулов тасаввуф ва шеърят муносабати, рамз, мажознинг ирфоний талқини, Б.Валихўжаев нақшбандия тариқати ривожига Хожа Аҳрор Валийнинг ўрни, М.Муҳиддинов “комил инсон” – адабиёт идеали, Б.Назаров мақомот ва унинг бадий-услубий хусусияти, Д.Салоҳий Алишер Навоий ва тасаввуф масалалари, Ш.Сироҷиддинов калом фалсафаси ва Сўфи Аллоҳёрнинг маънавий мероси, З.Исломов М.Замахшарийнинг илмий-маънавий мероси, С.Олимов нақшбандия тариқати ва Алишер Навоий, С.Сайфуллоҳ тариқат ва ахлоқ масалалари, Н.Ҳасанов яссавия тариқати ва “Девони ҳикмат” матни, У.Қобилов ўзбек адабиётида “нубувват” мотиви, А.Раззоқов Алишер Навоий шеъриятида “илм” ва “маърифат” талқини, Ҳ.Латипов ўзбек мумтоз адабиётида “маърифат” талқини ва “ориф” образини тадқиқ этганлар.

⁴ Gökbulut, Süleyman. Necmeddîn Kübrâ ve Kübrevîlik. Dokuz eylül universitesi. Doktora Tezi. – Ankara, 2009. Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁵ Бартольд В. Мистицизм в исламе. Соч. Т. 6. Ислам. – Москва: Наука, 1968. Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁶ Абдуллаев А. Абул Лайс Самарқандийнинг Мовароуннахр тафсирунослигида тутган ўрни. Тарих фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2007. Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁷ Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент, 1996; Унинг ўзи: Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори, 1999; Унинг ўзи: Хизр чашмаси. – Тошкент, 2005. Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Фалсафа тарихи йўналишида ЎзФА академиги, фалсафа фанлари доктори И.Мўминов⁸ Мирзо Абдулқодир Бедил ижодини илмий асосда ўрганган ва тасаввуф таълимотига доир тадқиқотни бошлаб берган.

Мустақиллик йилларида фалсафа тарихи ва тасаввуф таълимотини ўрганишда янги босқичга қадам қўйилди. М.Болтаев⁹, М.Хайруллаев, Ҳ.Алиқулов, Р.Носиров, М.Нуритдинов, Г.Наврўзова, Б.Тураев, С.Каримов, Р.Шодиев, М.Маматов, Ш.Мадаева, М.Хошимхонов, Қ.Рўзматзода, Ж.Холмўминов томонидан Шарқ фалсафаси ва тасаввуф, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича махсус тадқиқотлар амалга оширилган.

Р.Шодиевнинг Марказий Осиё тасаввуфий таълимотлар генезиси таҳлили, Г.Наврўзованинг тариқатлар ривожига нақшбандия тариқатининг мазмун-моҳияти ва комил инсон ғояси, Н.Сафарованинг Марказий Осиёдаги илк тариқат хожагон тасаввуфий таълимотининг альтруистик ғоялари, Б.Тураевнинг Маҳдуми Аъзам ва Хожа Исҳоқ Валининг диний-фалсафий меросида инсон моҳияти, О.Шарипованинг Хожа Абдулҳолик Гиждувонийнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари ва унинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти, А.Маматовнинг тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳияти, Ж.Холмўминовнинг тасаввуф фалсафасининг келиб чиқиши ва “ваҳдат ул-вужуд” таълимотининг нақшбандия тариқатига таъсири борасидаги тадқиқотлари мавзу доирасидаги муаммонинг илмий-назарий таҳлилида муайян даражада хизмат қилди.

Марказий Осиё тасаввуф таълимоти ва намояндалари маънавий меросини ўрганиш асосида Р.Баҳодиров¹⁰ илмлар таснифи ва унинг IX-XV асрларда мусулмон Шарқи маданияти тарихидаги ўрни, М.Жакбаров IX-XII аср Мовароуннаҳр фалсафий фикрида ижтимоий идеал ва комил инсон муаммоси, Э.Каримов XII-XV асрлар Марказий Осиё тариқатлари генезиси, М.Нуритдинов Юсуф Қорабоғий ва XVI-XVII асрлар ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихи, Н.Сафарова фундаментализм, экстремизм ва терроризмга қарши ғоявий курашда тасаввуф таълимоти ва ирфоний қарашнинг аҳамияти, Г.Юнусова Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлилида “фаросатли инсон” масаласи, Қ.Рўзматзода Хожамназар Хувайдо диний-мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожигаги ўрни, Б.Намозов Муҳаммад Порсо тасаввуфий таълимотининг фалсафий асослари, Р.Исақджанов Ибн Сино теологик таълимотида гносеологик тамойиллар, Ф.Музаффаров Абу Ҳомид Ғаззолийнинг инсонга муносабати мавзусини махсус диссертация ишларида илмий-назарий жиҳатдан қиёсий тадқиқ этиб, мутафаккирларнинг борлик, табиат ва инсон маънавиятига оид қарашларини ҳозирги даврнинг илмий янгиликлари билан боғлаганлар.

⁸ Мўминов И. Философские взгляды Мирзы Бедия. – Ташкент: Фан, 1957.

⁹ Болтаев М. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. – Душанбе: Ирфон, 1966. – 300 б. Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

¹⁰ Баҳадиров Р. Классификация наук и ее место в истории культуры мусульманского Востока (IX-XV вв.). Автореф. док. филос. наук. – Ташкент, 1998. Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Манбашунослик соҳасида мавзу доирасидаги тасаввуф истилоҳлари генезиси билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этишда С.Каримов¹¹, Н.Комилов, А.Жўзжонийнинг тасаввуфга доир асарлари методологик аҳамиятга эга бўлди. Ж.Камол, М.Ҳасаний, И.Ҳаққулов, С.Рафиддинов, Н.Ҳасанов, Г.Наврўзова, О.Жўрабоев, М.Исмоилов, Э.Очилов, Б.Умрзоқов томонидан амалга оширилган тасаввуфга оид манбаларнинг таржималари тадқиқот доирасини янада кенгайтди.

Хориж шарқшунослари ва мамлакатимизнинг тарихчи, адабиётшунос, файласуфларининг тасаввуф ва Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросини ўрганиш бўйича изланишлари таснифидан қуйидаги хулосага келинди:

биринчидан, тадқиқотларда тасаввуф ва тариқатларнинг тарихий, диний, фалсафий, аксиологик жиҳатлари ўрганилиб, ҳозирги давр учун аҳамияти таҳлил этилган;

иккинчидан, ирфон ва унинг Шарқ фалсафий тафаккури ривожига ўрни мавзуси борасида яхлит, тизимли, комплекс илмий тадқиқот амалга оширилмаган.

Диссертация мавзуси доирасидаги муаммо илк бор тадқиқ этилаётгани билан аҳамиятлидир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Наманган давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-20170929727 рақамли “Олий таълим сифати диагностикаси ва уни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади X-XIII асрларда Шарқ фалсафий тафаккури ривожига ирфон муаммосининг фалсафий асосларини онтологик, эпистемологик, антропологик, аксиологик қиёсий жиҳатдан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фалсафий билимлар тизимида ирфоннинг ўрнини Шарқ мутафаккирларининг онтологик ва гносеологик қарашлари билан қиёсий таҳлил қилиш, ирфоний илм ривожининг ўзига хос хусусиятларини “басират”, “илҳом”, “кашф”, “фаросат”, “қалб” орқали очиб бериш;

Шарқ фалсафий тафаккури ривожига ирфон илмининг тадрижий тараққиётини интенционал-теологик аниқлаш ва ирфоннинг ночизиқли (синергетик) маънавий-руҳий ходиса сифатидаги аҳамиятини илмий асослаш;

ирфонда орифнинг акмеологик, ахлоқий камолот даражасини тасаввуф антропологияси, инсон камолоти ва диний-ахлоқий қарашларга ретроспектив ёндашув орқали қиёсий таҳлил қилиш;

¹¹ Каримов С. Тасаввуф фалсафаси. – Самарқанд: Самарқанд нашриёти, 2021. Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ирфонийлик ва дунёвийликнинг уйғунлиги тамойилини таълим тизими модернизациясига йўналтириш орқали соғлом ижтимоий муҳит яратиш концепциясини аниқлаш;

ирфоннинг ижтимоий прогресс иерархиясида тутган ўрнини белгилаш орқали инсон руҳияти, ахлоқи ва маънавиятини такомиллаштиришнинг инновацион ечимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида X-XIII асрларда яшаган ирфон аҳлининг асарлари ҳамда ирфонга оид янги назарий манбалар танланган.

Тадқиқотнинг предметини ирфон илмининг Шарқ фалсафий тафаккури тараққиётидаги хусусияти ва шаклланиш қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда ворисийлик, тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, мавҳумликдан аниқликка юксалиш, интенционал-теологик, ретроспектив, диалектик, синергетик, герменевтик ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

X-XIII асрлар Шарқ фалсафий тафаккури ривожда “басират”, “илҳом”, “кашф”, “фаросат”, “қалб” истилоҳлари ирфон илмининг моҳиятини акс эттиришда бирламчи омил бўлиб хизмат қилгани Абу Али ибн Синонинг “Ал-ишорот ват-танбеҳот” (Ишоралар ва танбеҳлар), Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Ар-рисола ал-ладуния” (Ладун ҳақида рисола), Ҳаким Термизийнинг “Илм ул-авлиё” (Авлиёлик илми), “Маърифат ул-асрор” (Сирлар маърифати) каби асарлари мисолида исботланган;

фалсафий билимлар тизимида ирфон (гўзал ахлоқ, пок ишқ ва ирфоний адабиёт)нинг ночизикли маънавий-руҳий ҳодиса сифатида жамият келажаги ва ижтимоий барқарорлигини таъминлаш ва мураккаб илмий-концептуал муаммолар (ҳар қандай зулм ва адолатсизлик, жаҳолат ва нодонликка қарши илм-маърифат билан курашиш)ни ҳал этишда субстанционал асос вазифасини бажаргани аниқлаштирилган;

ориф, ўзининг акмеологик даражасига кўра, башарият учун юксак идеал эканлиги ахлоқ, қалб ва руҳ тарбияси орқали инсонда кудратли бирлик туйғусини вужудга келтирадиган шукроналик, бағрикенглик, соғлом тафаккур, руҳий хотиржамлик, кечиримлилик, мурасасозлик, миннатдорлик каби ирфоний билиш хусусиятлари воситасида исботланган;

плюралистик ёндашув, мустақил фикрлаш, иродани чиниқтириш, тафаккурни юксалтириш, дунё халқлари илғор маданиятини танқидий ўзлаштириш каби ирфонийлик ва дунёвийликнинг уйғунлиги тамойилини таълим тизими модернизациясига йўналтирилиши соғлом муҳит яратишга хизмат қилиши далилланган;

жамият маънавий муҳитини соғломлаштириш, инсон руҳияти, ахлоқи ва маънавиятидаги бўшлиқни орифларнинг ҳаёти, ҳикматли сўзлари, асарларига мурожаат қилиш орқали инсоннинг танаси, жони ва руҳининг бир бутунлигига эришиш мумкинлиги фалсафий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жаҳон цивилизацияси ҳамда Шарқ фалсафий тафаккури тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган ирфон аҳлининг маънавий мероси асосида ирфон

фалсафасининг мазмун-моҳияти, унинг бугунги маданий трансформация жараёнини меъёрлаштириш, шахс тарбияси ва эътиқоди мустаҳкамлигини таъминлаш, умуминсоний кадриятларни юксак мақомга кўтаришдаги амалий аҳамияти очиб берилган;

XI-XIII асрларга доир манбалардаги ориф маслагига ва унинг жамият ҳаётида тутган ўрнига доир масалаларни ўрганиш, орифнинг ахлоқий камолот даражасига кўра башарият учун юксак намуна экани, орифларнинг ҳаёти, ҳикматли сўзлари, асарларига мурожаат қилиш орқали тасаввуф таълимоти, генезиси ва инсонпарварлик моҳияти ҳақида тўғри тасаввур ва кўникмаларни шакллантириш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

баркамол авлод тарбиясида маърифатнинг ўзликни англаш борасидаги мезонлари аниқланиб, тасаввуфий кадриятлар интеграцияси асосида замонавий жамият маънавий муҳитини соғломлаштириш, тасаввуфнинг барҳаёт кадриятларидан маънавий таҳдидларга қарши фойдаланиш, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, ёшлар таълим-тарбиясидаги гносеологик таназулларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

ёшларда ислом дини, тасаввуф ва ирфон фалсафасининг инсонпарварлик моҳияти ҳақида соғлом тафаккурни шакллантириш, “эгоцентризм”, “фанатизм” каби ижтимоий иллатларнинг олдини олиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

ёшларнинг тарихий хотирани англашларига доир парадигмал ёндашув асосида илк ўрта асрлар илоҳиётшунослик фалсафасининг моҳиятини англаш, Яратувчисини таниш ва билиш, яхши инсонлардан тарбия олиш, ҳунар ўрганиш, илм олиш, китоб ўқиш, самимий, ҳокисор бўлиш, яхшилик қилиш, дунёнинг ўткинчилигини ҳис қилиб яшаш каби факторларга эътибор қаратиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар берилган;

ирфонийлик ва дунёвийликнинг уйғунлиги тамойилини таълим тизими модернизациясига йўналтириш орқали соғлом ижтимоий муҳитни яратиш концепцияси асосида ёшларнинг плюралистик ёндашувини мустаҳкамлаш, мустақил фикрлашга йўналтириш, иродасини чиниқтириши, тафаккурини юксалтириши, дунё халқлари илғор маданиятини танқидий ўзлаштириши юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг тарихий-қиёсий, классификациялаш, герменевтик усуллар билан асосланганлиги, ишончли назарий манбалардан фойдаланилганлиги, республика ва халқаро илмий конференциялар тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, эълон қилинган монографиялар, рисоалардаги хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертациянинг тасаввуф ва ирфон, билиш назариясида ирфон муаммоси, тасаввуф тарихи ва генезиси масалалари бўйича янги тадқиқотларнинг яратилишида илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилиши, фалсафий билимлар тизимида ирфоннинг Ўзбекистон,

қолаверса, бутун дунё миқёсидаги глобал жараёнларда, жамият келажаги, барқарорлиги, мураккаб илмий-концептуал муаммоларни ҳал этишда субстанционал асос бўлиши, орифнинг башарият учун юксак ахлоқий намуна бўладиган муроа, бағрикенглик, сабрлилик, кечиримлилик, шукроналик каби фазилатларининг баркамол авлод тарбиясидаги назарий-методологик асосларини мазмунан бойитишга, фалсафий, ахлоқий, ижтимоий, иқтисодий фанларни илмий-назарий такомиллаштиришда истифода этилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулосалардан фалсафа тарихи, гносеологияси ва эпистемологияси, инсоният маънавий борлигининг қадрсизланиши (девальвацияси), тасаввуф ва ирфон фалсафасига доир илмий-тадқиқот ишларини ирфон билан қиёсий таҳлил қилишда, “Маънавият ва маърифат” марказининг маънавий-маърифий ва тарғибот ишларида, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий фаолиятида, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш маркази ва унинг вилоятлардаги филиалларида имом-хатиблар ва отинойилар учун ташкил этилган малака ошириш курслари учун ўқув дастур, услубий қўлланма ва кўрсатмалар ишлаб чиқишда, олий таълим муассасаларида ўқув қўлланмалар тайёрлашда истифода этилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Шарқ фалсафий тафаккури ривожда ирфоннинг ўрни тадқиқи бўйича олинган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

X-XIII асрлар Шарқ фалсафий тафаккури тараққиётида ирфоннинг ўзига хос хусусиятлари, ирфоннинг таркибий қисмлари, “басират”, “илҳом”, “кашф”, “фаросат”, “қалб” таснифига доир илмий-назарий хулосалари, тақлиф-тавсияларидан Ўзбекистон Мусулмонлар идораси тасарруфидаги Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан нашр этилган “Термизлик икки аллома”, “Ҳаким Термизий йўлининг бошланиши”, Ҳаким Термизийнинг “Нафс одоби”, “Нафс риёзати”, “Касб тирикчилик баёни”, Абу Исо Термизийнинг “Сунани Термизий” асарлари таржималарини тайёрлашда ва архив қўлёзмалари фондларини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг 2021 йил 13 июлдаги 2218-сон маълумотномаси). Натижада халқимиз дунёқарашида аждодлар меросига ҳурмат туйғусини шакллантиришга, интеллектуал салоҳиятли ёшларни аждодларга муносиб ворислар этиб тарбиялашга хизмат қилган;

фалсафий билимлар тизимида ирфон илмининг ночизиқли маънавий-руҳий ҳодиса сифатида жамият келажаги, унинг барқарорлигига оид мураккаб илмий-концептуал муаммоларни ҳал этишда “калит” вазифасини ўташига доир тақлиф-тавсияларидан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази таркибидаги кутубхона ва архив қўлёзмалари фондларини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг 2021 йил 30 июндаги 381/21-сон маълумотномаси). Натижада халқимиз қалбида ислом, тасаввуф, ирфон илми ва ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини теран англаш, тасаввуф ва тариқатларнинг инсон

маънавиятини юксалтириб, камолотга етакловчи умуминсоний қадриятлар манбаси эканини англатишга хизмат қилган;

ориф, унинг акмеологик (ахлоқий камолот) даражасига кўра, башарият учун юксак идеал эканлиги ирфоний билиш хусусиятлари ҳамда инсон руҳияти, ахлоқи ва маънавиятидаги бўшлиқни тасаввуф алломаларининг ҳаёти, ҳикматли сўзлари, асарларига мурожаат қилиш орқали тўлдириш борасидаги таклиф ва хулосаларидан 2021 йил 26 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сон Қарорнинг 8-бандида белгиланган “Ёшларни ислом дини ва фалсафаси, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий тадбирларни амалга оширишда, миллий давлатчилик тарихи ва буюк аждодларнинг бой маънавий меросини ўрганиш, уларнинг инсонпарварлик ғояларини ҳаётга кенг татбиқ этиш бўйича қўшма дастур” ҳамда 12-бандидаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” асосида таълим тизими бўғинларида узлуксиз тарбияни йўлга қўйиш мақсадида татбиқ этиладиган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 4 августдаги 02/08-891-сон маълумотномаси). Натижада ёшлар онги, шуури ва тафаккурда креатив дунёқарашни шакллантириш, шу орқали мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни амалга оширишга хизмат қилган;

“ирфонийлик ва дунёвийлик уйғунлиги” (плюралистик ёндашув, мустақил фикрлаш, иродани чиниқтириш, тафаккурни юксалтириш, дунё халқлари илғор маданиятини танқидий ўзлаштириш) тамойилини таълим тизими модернизациясига йўналтириш орқали соғлом ижтимоий муҳит яратиш концепциясида илгари сурилган илмий-назарий таклиф ва тавсияларидан ПЗ-20170930192 рақамли амалий лойиҳаси доирасида бажарилган “Тасаввуфга кириш” дарслигини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг 2021 йил 29 июндаги 02-1340-сон маълумотномаси). Натижада талабалар онги ва тафаккурда тасаввуф тарихи, таълимоти, ғоялари, тариқатларнинг қадимдаги ва ҳозирги ҳолатлари, минтақавий хусусиятлари, глобаллашув шароитида тариқатларнинг фаоллашуви, сохта сўфийлик, тариқатчилик, бугунги кунда тасаввуфга тўғри муносабатни шакллантиришга хизмат қилган;

инсон руҳияти, ахлоқи ва маънавиятидаги бўшлиқни тасаввуф алломаларининг ҳаёти, ҳикматли сўзлари, асарларига мурожаат қилиш орқали тўлдиришга доир тавсия ва хулосаларидан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан нашр этилган “Ўрта аср Шарқ алломалари энциклопедияси”, “Ўрта асрларда яшаган машҳур самарқандлик алломалар”, “Иброҳим Саффор Бухорий”, “Кешлик алломалар”, “Uzbekistan a land of multifarious Geniuses” асарларининг мазмунини тўлдиришда ва архив қўлёзмалари фондларини бойитишда фойдаланилган (Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2021 йил 28 июндаги 02/264-сон маълумотномаси). Натижада ёш авлодда ислом дини, тасаввуф ва ирфон

ҳақида, эътиқод эркинлиги, динлараро бағрикенглик борасидаги дунёқарашни кенгайтиришга, дин ниқоби остидаги бузғунчи экстремистик оқимларнинг даъволари соф исломга зид эканлиги ҳақидаги тушунчалари ривожланишига ҳамда мазкур оқимларнинг даъволарига қарши зарба бериш кўникмаларини тарбиялашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 8 та халқаро ва 23 та республика илмий-амалий анжуманларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада (2021 йил 7 июлдаги 02-03/4385-сон маълумотномаси) муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 67 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, 5 та илмий рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 29 та мақола (4 та хорижий ва 25 та республика журналларида) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 256 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазибалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“X-XIII асрлар мусулмон Шарқда ирфон илми ривожининг ўзига хос жиҳатлари”** деб номланган.

Бобнинг биринчи параграфида ирфон тушунчасининг моҳияти очиқ берилган. Ирфон – билиш, таниш, англаш, тушуниш деган маънони англатади. Ирфон тасаввуфдаги билиш илмидир. Ирфон илмининг мазмуни акс этган адабиётларда ирфонга берилган иккита бир хил таъриф учрамаса ҳам, умумий шаклда, мазмунан ва моҳиятан идентифик тушунтирилган.

Ирфон мусулмон Шарқи фалсафий тафаккури билан бевосита боғлиқ бўлиб, номусулмон Шарқ фалсафасида ирфон йўқ.

Шарқ мутафаккирларининг фалсафий-тасаввуфий қарашларини замонавий тенденциялар асосида тадқиқ этиш орқали тасаввуф Мовароуннахрнинг ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий юксалишида муҳим компонент бўлгани англашилди¹². Шу сабабга кўра, асосий эътибор

¹² Қаранг: Шодиев Р., Бахриева Д. Суфизм в духовной жизни народов Мавераннахра (X-XII вв.). – Самарканд, 2018. – С. 3.

ирфоннинг Шарқ фалсафий тафаккури ривождаги ўрни масаласига қаратилди.

Ирфон, бир тарафдан, диний билимларни мужассам этса, иккинчи тарафдан, диннинг моҳиятини ифодалайди. Тафаккур билан англаб бўлмайдиган (иррационал), қалб, учинчи кўз, ботиний ҳол орқали ҳосил бўладиган билимлар илоҳий воқелик (Аллоҳ) билан бевосита алоқада бўлиш, Аллоҳни Унинг илми билан билиш ва Унинг маърифати билан англашнинг ифодаси бўлиб, руҳий-маънавий покликни талаб этадиган жараёндир. Абдулқодир Гийлоний ирфоннинг моҳиятини Қуръон оятлари билан ҳамоҳанг таъвил қилган: “Ирфон ... маърифат туйғуси, бу туйғу сенинг ботиний оламингни қуршаган самодирки, ундан чиқажак бир эмас, бир неча қуёш бор. Йўл ёруғ бўлиши учун маърифат самосида қуёш туғилиши лозим. Бунинг учун эса ҳолингни камолга етказишинг даркор. “... Бугун сизларга динингизни комил қилдим”¹³ ояти каримаси ила тасбит этилгандир”¹⁴.

Ирфон диний-фалсафий тушунча сифатида орифнинг завқу шавқ, шухуд (Ҳақни қалб кўзи билан кўриш, Ҳақни Ҳақ билан кўриш) воситасида Аллоҳ ва Унинг моҳиятини ҳис этишидир. Ирфон орифнинг “илоҳий васл”га бўлган иштиёқи, Аллоҳ билан воситасиз боғланиш усулидирки, А.Бергсон бундай боғланишнинг интровертлиги, ўз-ўзини интеграциялаши, диалектикаси, янгиланишини, яъни динамик ҳаракатини эътироф этган¹⁵.

Шарқ фалсафий тафаккури ривожда ирфоннинг тадрижий прогресси қуйидагича акс этган: X асрдан барча илмни қамраб оладиган, ўзига хос ирфоний билиш концепцияси шаклланган. XI-XII асрларда ҳикмат ва фалсафани уйғунлаштирган орифона тасаввуф тараққий этган. XIII асрда ирфон ривожланиш чўққисига чиқиб, Шарқ фалсафий тафаккурининг ажралмас қисмига айланган. Бу даврда ирфон мазмунан чуқурлашиб, терминологияга зарурат туғилган. Кучли мушоҳада юритиш тарзи қатъий императив ахлоқийликни келтириб чиқариши натижасида ирфон илмида одоб-ахлоқ концепцияси тўлиқ шакллантирилиб, илм ва ахлоқ уйғунлиги мужассамлашган тасаввуфий асарлар вужудга келган. Тадқиқотда тасаввуфий-ирфоний асарлар интенционал-теологик асосда сараланиб, мазмунига кўра тасниф этилган.

Ирфоннинг моҳияти илмнинг уч ўлчови, яъни Аллоҳни таниш, Аллоҳ билан робита ва ладуний илмда акс этган. Аллоҳни таниш илми орқали бажарилиш шарт бўлган шариат қонун-қоидалари билиб олинади. Шариат илмига манзилма-манзил, даражама-даража эришилади. Илоҳий илм (маърифат)га шариат аҳкомисиз эришиб бўлмайди. Илоҳий робита Аллоҳни “жон томири”дан ҳам яқин ҳис қилиш, ўйлаш ва ҳушёр тортишдир. Ладуний

¹³ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Моида сураси, 3-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 107.

¹⁴ Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сирр ул-асрор. Мактубот / Таржимон, нашрга тайёрл., сўзбоши ва изоҳлар муал. О.Жўрабоев. Масъул муҳ. С.Ҳасанов, С.Рафиддинов. – Тошкент: Мовароуннахр, 2005. – Б. 59.

¹⁵ Бергсон А. Два источника морали и религии / Перевод с французского, послесловие, примечания А.Б.Гофмана. – 2-е издание., исправленное. – Москва: КДУ, 2010. – С. 13.

илм Аллоҳнинг Ўзи танлаган Пайғамбарлари ва азиз зотларига атосидир¹⁶. Илоҳий нурга эришган инсон илми ладунийдан насибадор бўлади¹⁷. Ладуний илм “курд бўлиб ухладиму араб бўлиб уйғондим”¹⁸ мақомига мос келади.

Ирфон ўз тарихига эга бўлган, ҳозир ҳам, келажакда ҳам жамиятга тўла қўллаш имкони бўлган трансцендентал фалсафадир. Ирфоннинг моҳияти Абу Ҳомид Ғаззолийнинг шарият ва тасаввуф илмининг ўзаро боғлиқлиги ва муносабати таҳлилида акс этиб, тасаввуфий-ирфоний илмларнинг кенг ёйилиши, илм сифатида тан олиниши, кейинчалик диний ҳаёт тарзининг етакчи кучи бўлишига олиб келган. Тасаввуфни мусулмон цивилизацияси ташкил топишининг ижтимоий, диний ва мафкуравий асоси деб атаган М.Ходсон бу масалани тизимли таҳлил қилган¹⁹. Ирфон тасаввуфга улкан устунлик берган. Хонақоҳлар маърифат масканига айланиб, тариқат мактаблари шаклланган²⁰.

Фалсафий таълимотлар истиқболи тарихий ривожланиш жараёнида ўзгарар экан, айти вақтда тасаввуф идеаллари ўзгаришсиз, шу билан бирга, парагенетик, умумий диалектик боғлиқликда қолади, уни тушунишда ҳеч қандай чеклов йўқ. Шунга кўра, ирфон соҳасидаги тадқиқотни ҳам ижтимоий, ҳам маданий ҳодиса сифатида кўриш мумкин, деб хулоса ясалган.

Бобнинг иккинчи параграфида ирфоний билишнинг интровертив хусусиятлари тадқиқ этилган. Ирфоний билишда интровертив ёндашув инсоннинг инстинкт, жон, рух, онг, нуқсон ва фазилат каби муҳим хоссаларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш усули бўлиб, асосий эътибор инсоннинг Яратувчи, борлиқ, универсум билан алоқасини имманентликда (“ичдан”) тушуниш, синтезлаштирувчи моҳиятни англашга қаратилади. Бунда трансцендентал зоҳирий маълумотлар кумулятив билимларнинг йиғиндиси бўлиб, илмда ақл (тушунча, ҳукм, хулоса), нақл (оғзаки ҳикоя, қисса, ривоят) ва тажриба (уқув, кўникма, малака, билим)га асосланилади. Ирфон Аллоҳни Унинг сифатлари орқали билиш, маънога етиш, Ҳаққа етишиш йўли бўлса, Аллоҳга яқинлашувнинг камолот пиллапоаялари мууроқабат, муҳосабат, маломат, зикр, тафаккур, ишонч, таваккул, таслим, ризо, Яратганга ва барча махлуқотга бўлган муҳаббатдир. Абу Ҳомид Ғаззолий ирфон аҳлининг шарият чизиғидан четга чиқмаслиги, уларнинг сўзлари ва амаллари Қуръон ақидалари ҳамда Аллоҳнинг Расули ҳадисларига мувофиқ бўлиши шартлигини ёқлаган²¹.

¹⁶ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башар ал-Ҳаким ат-Термизий. Хатм ал-авлиё / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Али Байзун. – Байрут: Дорул-кутуб ал-илмийя, 1999. – Б. 5.

¹⁷ Абу Хамид Муҳаммад аль-Газали ат-Туси. Илм-и ладунӣ (Божественное знание) / Хисматулин А. Суфизм. Издательский Дом Азбука-классика; Петербургское Востоковедение, 2008. – С. 192-193.

¹⁸ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдик. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар: С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул мух. С.Рафиддинов. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 113.

¹⁹ Hodgson G. The venture of Islam: Conscience and History in a World Civilization. V.2. The Expansion of Islam in the Middle Periods. – Chicago – London, 1974. – P. 438-440.

²⁰ Tosun N, *Türkistan Dervişlerinden Yâdigâr: Orta Asya Türkçesiyle Yazılmış Tasavvufî Eserler*, İstanbul: İnsan Yayınları, 2011. – С. 6.

²¹ Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-кулуб (Қалблар кашфиёти) / Таржимон: М.Аъзам. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2019. – Б. 39.

Ирфон мақомларни тадрижий забт этиш (кўмирдан олмосга айланиш)ни талаб этадики, унинг туб моҳияти ворисийлик принципи асосида тизимли таҳлил қилинган. Мақомот одоб ва аркон жиҳатидан фарқланса ҳам, мақсад Аллоҳ розилигига эришишдир. Мақомотдаги коэволюцион жараён тавҳидни чуқур идрок этиш, ўзи ҳам тавҳиднинг бир қисмига айланиш (субъектнинг объектга қўшилиб, борлик ичра йўқлиги), “фано”дан “бақо” (“ўлмасдан бурун ўлиш”)га ўтиш ҳолатини ифодалаб, руҳий камолот диалектикасини намоён этади. Ирфоний билишнинг ўзига хос хусусиятлари бир-бири билан боғлиқ горизонтал (маънавий қадрият, мафкура оралиғи) ва вертикал (маънавий ўсиш, бир сифатдан иккинчи сифатга ўтишни ифодаловчи маънавий камолот) идентификацияси орқали акс этади. Ирфон онг билан англаб бевосита бўлмайдиган онг остининг энг чуқур қатламларига бориб тақалади. Бу миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш, ва аксинча, бир сифат ичида содир бўладиган жараёндан иборат уч ҳолат, яъни ирфоний билишгача бўлган, ирфон (ҳол мақоми), ирфоний билишдан сўнгги босқич орқали ифодаланган.

Бобнинг учинчи параграфида ирфоннинг мистик ва эзотерик илмлар билан қиёсий таҳлили ёритилиб, ирфоннинг шартли равишда назарий ва амалий (ирфоний турмуш тарзи)га ажратилиши²² танқидий кўриб чиқилган: ирфон шундай илмки, назарий илм илоҳий моҳиятни билишда восита бўлиши мумкин, аммо “қалб сири”ни очиб бера олмайди. Қалб кўзи билан пайқаладиган барча ҳодисалар (“илҳом”, “кашф”, “туш” ва ҳоказо) орифнинг Ер юзининг ахборот ва энергия соҳаси билан ўзаро таъсири натижасидир.

Диссертант тасаввуф ва ирфонни бошқа динлардаги мистицизм билан айнанлаштириш, ислом тасаввуфи шаклланишига айрим мистик таълимотларнинг таъсири, генезиси, чамбарчас боғлиқлиги ҳақида фикр юритиш асоссиз эканини исботлаб, масалага танқидий ёндашган ҳамда йога, эзотеризм, мистика, медитация, оккультизм, магия, веданта, даосизм, пифагорчилар, платонизм, теософия ва антропософия, насронийлик, гностика, манихейлик, каббала, исовийлик таълимотлари билан ирфоний билиш ўртасидаги тафовутларга асосли раддиялар келтирган.

Бобнинг тўртинчи параграфида ирфон илмининг таркибий қисмлари таснифи “басират”, “илҳом”, “кашф”, “фаросат”, “қалб” мисолида очиб берилган. Ирфон илмининг компонентлари классификациясига қадар Шайх Колободий ирфон асослари, Юсуф Хос Ҳожиб ирфоний билиш усуллари, Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Шайх Фаридуддин Аттор, Мавлоно Жалолиддин Румий, Шайх Маҳмуд Шабустарий ирфон фалсафасини бадий тасвирлаган бўлсалар, Шайх Азизиддин Насафий, Шайх Нажмиддин Кубро ирфоний билиш назариясини илмий асослаганлар. Носириддин Рабғузий ирфон аҳли қарашларидаги борлик, билиш, инсон моҳиятини чуқур ва теран маъноли сўзларда насрий ифодалаган.

Тадқиқотда илк бор ирфон компонентлари илмий тасниф этилиб, қуйидаги тартибда берилган:

²² Биринджкар Р. Знакомство с исламскими науками: калам, фалсафа, ирфан / Перевод с персидского С.Ходжиниязова. Предисловие, комментарии и общая редакция И.Таировой. – Москва: Садра, 2014. – С.23.

Ирфоннинг компонентлари				
Басират	Илҳом	Кашф	Фаросат	Қалб
рўё	тажалли	аён	зеҳн	тасаввур
назар	завқ	баён	фаҳм	тахайюл
сезгирлик	шавқ	робита	идрок	тазаккур
зийраклик	жазба	сир	заковат	фикрат
кузатувчанлик	файз	хушъу	хотира	ибрат
таважжух	хузур	мушоҳада	тафаккур	кайфият
зухур	хайрат	таъвил	ҳикмат	ҳол

“Басират” қудсият нури билан ёритилган қалбнинг ашёлар моҳиятини рўё, назар, сезгирлик, зийраклик, кузатувчанлик, таважжух, зухур орқали кўришдир. “Илҳом” тажаллий, завқ, шавқ, жазба, файз, хузур, ҳикмат ифодасидир. Илҳом орқали маърифат ва ҳақиқатнинг минг бир маъноси бир нуктада жамланган. “Кашф” ёпиқ бўлган нарсани очиқ ҳолга келтириш, мукошафадир. “Кашф” (аён, баён, робита, сир, хушъу, таъвил, мушоҳада) орқали Аллоҳ ва ориф ўртасидаги “парда”лар кўтарилиб, “Аллоҳ хузурда бўлиш”²³ мақомига эришилади. Ориф борлиқнинг сирларини инсоннинг ички ҳис-туйғулари маҳсули бўлган “фаросат” (зеҳн, фаҳм, идрок, заковат, хотира, тафаккур, ҳикмат) орқали фаҳмлаган. Ўзаро таъсир даражаси қанча юқори бўлса, орифнинг қалб кўзи ҳам шу даражада “порлайди”²⁴.

“Қалб” инсоннинг тасаввур олами, тахайюли, тазаккури, фикрати, ибрати, кайфияти, ҳолини камраб олгани учун ориф қалбни “пок ва бир бутун ҳолда” деб идрок этган.

Ирфон ҳақидаги диний-фалсафий концепцияларни ретроспектив кетма-кетликда умумлаштириб, қуйидагича хулоса бериш ўринли: ирфон ҳаётбахш ахлоқий қадриятларнинг ижтимоий мавқеини тиклаш, орифларнинг ибратли ҳаёт тарзи, ҳикматлари, улар қолдирган маънавий меросини тарғиб қилиш орқали бугунги кунда жамият учун кадрли эҳтиёжга айланган меҳр-оқибат, саховат, ростгўйлик, адолат, камтарлик каби ахлоқий меъёрларни жамиятни тузатиш, ҳар тарафдан бостириб келаётган ижтимоий зарарли хавфларнинг олдини олиш, глобал жараёнларга маърифат билан ёндашиш, бунинг ортидан башариятни, шу орқали дунёни ворисийлик мезони асосида тақомиллаштиришда аҳамиятлидир.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўрта асрлар мусулмон Шарқи фалсафаси билиш назариясида ирфоннинг моҳияти**” деб номланган. Бобнинг биринчи параграфида рационал ва иррационал билиш усуллари қиёсий таҳлил қилинган. Ақл ва идрок рационал билишнинг асоси сифатида макрокосмик ҳақиқатнинг микрокосмик аксидир. Ақл интуициянинг натижаси бўлган кашфиётни рационал назарий ёки рамз, тимсол ва мажоз воситасида тавсифлайди. Ирфоний билишнинг зарурлиги инсон ақлий билиш қобилиятининг чекланганидан келиб чиқади. Бу – ирфоний билиш муътазилийлар, исмоилийлар, ашъарийлар, перипатетиклар каби исломдаги рационалистик йўналишларнинг тарафдори, деган хулосани келтириб чиқармайди.

²³ Абдулкарим Кушайри. Рисаля Кушайри. – Баку: Дергях йайыны, 1999. – С. 12.

²⁴ Тихоплав В. Начало начал. – Москва: Астрель, 2005. – С. 99.

Ирфоний билиш традиционалистларнинг иррационал ёндашувлари ҳамда Қуръон оятларини мутлақлаштиришдан холи. Аксинча, ирфоний билишда бу масала илоҳий борлиқ билан диалектик боғлиқ ҳолда ўрганилади, яъни Қуръон оятларининг барҳаётлиги, барча замонлар учун параллел аҳамиятга эга экани ва кўплаб муаммоларнинг методологик ечими эканида англашилади. Шу билан бирга, ирфон аҳлининг ўз даври учун зарур ва тўғри бўлган ғояларини бирёқлама идеаллаштириш, бугунги замонга мослаш ёки замонавийлаштириш масаланинг моҳиятини догматик тушуниш, илмий билишнинг фарқига бормаслик оқибати, дейиш ўринли.

Иррационал билиш усули қалбий, ботиний билишга асосланади. Абу Наср Форобийнинг ақл ва қалбга доир қарашларида дин фалсафага тобе қилинган²⁵ бўлса, Ибн Рушд ўз таълимотини Қуръон оятлари билан асослаб, зиддиятларни Қуръонни мажозий талқин қилиш орқали ечишга уринган²⁶.

Ақл ва қалб муносабатлари Абу Ҳомид Ғаззолий томонидан ўта нозиклик билан очиб берилган бўлиб, ўша даврда пайдо бўлган кўплаб тушунмовчилик ва мунозаралар баҳссиз ечим топган. Мутафаккир илоҳий ҳақиқатни англаш учун ақлнинг ожизлиги, яъни ақлнинг нисбийлиги ва чеклангани, фақат ақлнинг ўзи кифоя қилмаслигини “инсон ақли ёрқин нурни кўрган заҳоти сўқирга айланадиган кўршапалакка ўхшаб кетади”²⁷ деб таърифлаган.

Диссертант фикрича, рационал ва иррационал билиш, билим ва ишонч, умуман, фан ва дин муносабатлари турли аспектдаги муҳокама доирасида муштарак бўлса, илм-фаннинг юқори даражага кўтарилишида бутунлай ўзгача манзара вужудга келиб, ақл бовар қилмас кашфиётларга йўл очилади.

Бобнинг иккинчи параграфида ирфоний билиш гносеологияси тадқиқ этилган. Ирфоний билишнинг моҳиятига тарихийлик, мантиқийлик ва тизимлилик тамойиллари нуқтаи назардан ёндашиш орқали унинг гносеологиядаги ўрнини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён эришилган мақсадга кўра, уч тарихий ҳодиса: тасаввуф илми генезисигача бўлган, тасаввуфдаги, тасаввуфдан кейинги босқичларга бўлинади. Тасаввуф илми генезисигача бўлган босқич маънавий-ахлоқий такомиллашувнинг моддий кадриятлардан узилишни назарда тутди. Натижада онг тафаккур стереотип (мияда қаттиқ ўрнашиб қолган тор фикрлар)лари ва хилма хил тасаввурлардан халос бўлиб, онг остининг чуқур қатламларига шўнғийли. Шу тариқа ўзга оламлар муносабатга киришга тайёрланади. Тасаввуфдаги босқич инсоннинг Яратувчи жамолини жаннатда кўриш умиди “ўзлик”нинг “йўқ” бўлиб, парчаланиши, “мен”ликнинг “ўлиши” ва Аллоҳнинг “мен”лигида тирилиши билан белгиланади. Тасаввуфдан кейинги босқичда дифференциация содир бўлиб, онг янгича тафаккур билан ўз ҳолатига қайтади.

²⁵ Аль-Фараби. Отношение философии к религии / Аль-Фараби. Естественно-научные трактаты. – Алма-ата, 1983. – С. 315-316.

²⁶ Ибн Рушд. Рассуждение, выносящее решение относительно связи между религией и философией / Сагадеев А. Ибн Рушд. – Москва, 1973. – С. 169-199.

²⁷ Аль-Газали. Избавляющий от заблуждения (Аль-мункиз мин ад-далал) / В книге: Степанянц М. Восточная философия. Вводный курс. Избранные тексты. – Москва, 2001. – С. 434-446.

Ирфон фалсафасида билишнинг олий даражаси деб қалбий билиш назарда тутилади. Абу Ҳомид Ғаззолий “Ар-рисола ал-ладуния” асарида илм, билиш ва англаш ҳақида тўхталиб, билимларнинг инсон ақли, шакл ва мазмун, сифат ва миқдор, нарсаларнинг ташқи тузилиши ва ички моҳиятини акс эттирувчи тасаввур ва тушунчалардан иборатлиги, билувчи нарса-ҳодисалар ҳақида муайян тушунчага эга бўлган шахс экани, англаш эса муайян тасаввур, қарашларнинг қалбда муҳрланишини баён қилган²⁸.

Бобнинг учинчи параграфида ирфоний билиш усуллари тадқиқ этилган. Ирфоний билиш усули “мақом” ва “ҳол” тизимида шакллантирилиб, онгнинг фазовий ўзгариши, яъни уч ўлчамли оламдан бир неча ўлчамли оламларга маълумот узатиш ва маълумот қабул қилишга эришилган. Ҳар бир ориф эришган билимларининг бетакрорлиги, янгича интерпретацияси, ўзига хослиги билан ажралиб туради, яъни билим манбаи мукошафа, рух борлигининг белгиси (сир)дир.

Борлиқ ва Аллоҳнинг бирлигини қалб орқали кўриш, дунёнинг Худога имманентлиги (унинг фаол табиатидан келиб чиқиши) уларнинг ботиний моҳиятга асосланган муносабатида англашилади, яъни сабаб (Аллоҳ) ва оқибатнинг (олам) биргаликда мавжудлиги масаласини мантикий тафаккур билан ҳал этиш мумкин эмас, аксинча, каузаллик (сабаб ва оқибат муштараклиги) ботиний билиш орқали англанади. Ирфон ҳаётий жўшқинлик (важд) натижаси, муҳаббат жўшқин ҳаётнинг квинтэссенцияси (манба, асос) дир. Ирфон сари кадам инсон қалбида муҳаббат уруғини экиш учун иррационал (мантикий далилсиз эришиладиган) билим шаклидан фойдаланади. Зуннун Мисрий (ваф. 859 й.) тили билан айтганда, аслида англаш инсон қалбининг илоҳий нур билан Аллоҳ олдиндан белгилаб қўйган боғланишдир²⁹.

Тадқиқотда ирфоний билишда вақт концепцияси орифнинг “ҳоли”дан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилган. Вақт маънавий ҳол бўлиб, инсонни ўтмиш ва келажакдан озод қилади, яъни қалб илоҳий ришта билан боғланганда на ўтмишдан хотира қолади, ва на келажак ҳақида ўйлар қолади. Бу пайт қалбан Аллоҳга боғланиш вақтидир. Ҳар бир мақом учун илм бор, ҳар бир ҳол учун ишорот бор, ҳар бир ишорот учун вақт бор, яъни “ҳол”лар мерос қолдирмайди. Ориф учун ўтмиш ва келажак ўртасида бўлиш пайти энг бебаҳо “дам”дир. Ориф “дам” ва “лаҳза”нинг сири, маъноси, кудратини кашф қилиш учун “ҳол”нинг туб моҳиятини тафаккур қилади. Ўз вазифасига “ҳузур” билан машғул бўладики, унда инсон онгини покловчи, яъни онг ва идрокни кераксиз “юк”дан фориф этувчи туганмас кувват (энергия) мужассамдир. Ҳол вақтида ориф учун ўтган ҳаётининг ҳам, келажакдаги ҳаётининг ҳам аҳамияти йўқолиб, “вақт соҳиби” (соҳиб ул-вақт)га айланади. Инсоннинг ҳаёти тежалган вақтига қараб узаядики, ориф индивидуал “мен”

²⁸ Абу Хамид Муҳаммад аль-Газали ат-Туси. Илм-и ладуни (Божественное знание) / Хисматулин А. Суфизм. – Санкт-Петербург: Издательский Дом Азбука-классика; Петербургское Востоковедение, 2008. – С. 158.

²⁹ Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердце Кашф аль-махдуб ли арбаб аль-кулуб) / Перевод с английского А. Орлова. Издание первое. – Москва: Единство, 2004. – С. 273.

доирасидан юқори кўтарилиб, муқаррар космик “мен” даражасига юксалган “ўз вақти (ҳоли)нинг боласи” (ибн ул-вақт) мақомида бўлади.

Борлиқнинг кичик нусхаси бўлган инсон абадийлик ва ўткинчилик, мавжудлик ва йўқлик, руҳонийлик ва моддийлик бирлигининг ифодаси сифатида инсон ҳаётининг моҳиятини ифода этади. Қуръонда инсон ақли ва тафаккурига берилган юксак баҳо эпистемология, билиш масалаларининг Шарқ фалсафий тафаккурида етакчи ўринни эгаллаши билан изоҳланади. Тадқиқотда ирфоний билиш жараёнини ўрганиш ва илмий-фалсафий тадқиқ этиш инсоният олдида турган глобал муаммоларга самарали ечим топишга имкон яратиши функционал ёндашув асосида далилланган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Мусулмон Шарқи фалсафасида илмий-фалсафий ва диний-тасаввуфий концепциялар таҳлили”** деб номланган. Бобнинг биринчи параграфида ирфоний билиш концепциясида набийлик ва валийлик диалектикаси илмий асосланган. Набийлик ва валийликда ирфоний билиш концепцияси Азизиддин Насафийнинг “Зубдат ул-хақойиқ” асари мисолида изоҳланиб, борлиқ (Аллоҳ)нинг онтологик ҳақиқати кўрсатилган: “Аллоҳ борлиқнинг туб асосини ташкил этади”³⁰. Бу ирфоний билишда Ягоналик (Аҳадият)нинг қисмларга ажралиш эҳтимоли мутлақо йўқ бўлган бир бутунлик, яхлит системани ифодаласа, софлик тушунчаси на моддийлик, на руҳонийлик хоссаларига эга бўлмаган индивидуал моҳиятнинг мавжудлигини англатади. Илоҳиёт илмининг таркибий қисмига айланган набийлик ва валийлик тушунчаси илк сўфийлар: Зуннун Мисрий, Абдуллоҳ Тустарий, Жунайд Бағдодий, Абу Саид Харроз каби шайх ул-машойих қарашларида акс этган. Бу тушунчани Ҳаким Термизий илмий-назарий хулосалар билан бойитган.

Абу Бакр Колободий набийлик ва валийлик мақомини иерархик тасниф этган бўлса, Абу Ҳомид Ғаззолий набийликни “хос инсонлар ҳолларидан бир ҳолдирки, шу ҳол ичида инсонда маънавий бир кўз очилади. Бу кўздаги равшан нур билан ақл идрок эта олмайдиган нарсаларни кўришга эришилади”³¹ деб шарҳлаган. Диссертацияда набий ва валий муносабати таҳлил қилиниб, улар орасидаги фарқ ва ўхшашлик мантиқий далил асосида ечилган: ҳамма набий валийдир, бироқ ҳеч бир валий набий эмас. Валийлик ва орифлик муносабати тавҳид ғоясини чуқурлаштирувчи, ниҳоясига етказувчи ҳодиса сифатидаги герменевтик талқини орқали диний таълимот ва кадриятларни сақлаш, изоҳлаш ҳамда ёйиш масъулияти валий ва орифлар зиммасига юклангани аниқланган.

Бобнинг иккинчи параграфида тасаввуфда ориф, ирфон ва маърифат талқини ретроспектив таҳлил қилинган. Ориф, ирфон ва маърифатнинг ўзаро алоқадорлиги масаласи Абу Али ибн Синонинг “Ишорот ва танбеҳот” (Ишоралар ва танбеҳлар) асарига таянган ҳолда таҳлил қилинган. Диссертант ориф тушунчасининг маънавий-ахлоқий ва ирфоний маъноларни ифода этиши, орифнинг тавҳид ҳақидаги қарашлари оддий кишиларнинг тавҳидга

³⁰ Азизиддин Насафий. Зубдат ул-хақойиқ (Ҳақиқатлар қаймоғи) / Форс тилидан Н.Комилов таржимаси. – Тошкент: Камалак, 1995. – Б. 5-6.

³¹ Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб (Қалблар кашфиёти). Тузатилган қайта нашр / Таржимон Мирозиз Аъзам. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2019. – Б. 27.

муносабати билан фаркланиши, ориф учун “тавҳид” мукамалликнинг юқори чўққиси экани, шунингдек, орифнинг тавҳиди фалсафий нуқтаи назар билан мос келмаслигини мавҳумликдан аниқликка юксалиш усулида кўриб чиққан: ориф назарида ҳақиқий борлиқ Аллоҳ, қолган барча ашё Худонинг яратиғидир. Орифнинг мақсади “Ал-Ҳақ ал-Аввал (Аллоҳ)”га интилиш ва ирфон ҳақидаги илмдан бошқа ҳеч нарсани афзал кўрмаслик³². Орифнинг икки ҳолати унинг камолотидан дарак беради, бири унинг руҳи билан боғлиқ мукамаллик бўлса, иккинчиси унинг руҳи ва танасига тегишли бўлиб, бўйсунуш (таслим) сифатида тавсифланади. Ориф, ирфон ва маърифат тушунчалари ўзаро умумлаштирилса, “Аллоҳнинг сифатлари билан сифатланинг” ҳадисига амал қилган ориф нафақат ирфонга эришган, балки маърифатнинг юқори даражасини эгаллаган мақом ва мартабаси олий инсондир, деган таъриф келиб чиқади. Ҳақим Термизий маърифат аҳлининг уч ҳолатда бўлишини эслатган: убудият, хуррият ва рубубият³³.

Тадқиқотда маърифатнинг фақат орифнинг ўзи учун эмас, омма учун ҳам кераклиги, ҳосил қилинган илм-маърифат халққа етказилиши, кишиларни эзгу ишларга чорлаши ҳамда миллатнинг ахлоқий-маънавий камолоти учун хизмат қилиши лозимлиги, бу масъулият тасаввуфнинг нафақат ориф, балки бутун жамият ҳаётида улкан аҳамиятга эга эканлиги, шу жиҳатдан, “ориф комилликнинг етук намунаси” деб объектив баҳоланган.

Бобнинг учинчи параграфида Аллоҳ ва инсоннинг моҳияти, ҳақиқатнинг ирфоний интерпретацияси очиб берилган. Ҳақиқат тафаккурнинг нарсаси ҳодисага нисбатан фалсафий-гносеологик тавсифи деб қаралса, ҳақиқат фикр билан, билим объектив реаллик (воқелик) билан мос келади: ирфонда илм деганда Ҳақ, ҳақиқат деганда Аллоҳ тушунилади, чунки Ҳақ Аллоҳнинг исмларидан биридир. Куръоннинг “Ҳаж” сураси, 6-оятда шундай дейилган: “Бунга сабаб Аллоҳнинг Ҳақ эканлиги ва Унинг Ўзи ўликларга ҳаёт бериши ҳамда (Аллоҳнинг) ҳамма нарсага қодир эканлигидир”.

Ҳақиқатга илоҳий моҳиятни англаш ва ишқ-муҳаббат орқали эришилади. Бу масала Абу Али ибн Синонинг “Рисола фил-ишқ” (Ишқ ҳақида рисола) рисоласида келтирилган “Ҳар бир инсон қалбида Аллоҳга нисбатан азалий (туғма) муҳаббат мавжуд. Инсон камолот даражасига кўра, моддий ашё ва бошқа нарсаларга муҳаббат кўяди. Юксак даражага эришган инсоннинг илоҳий ишқ объекти Мутлақ Ҳақдир”³⁴ дейилган қараш асосида қиёсий таҳлил қилиниб, ишқнинг ирфоний талқини очиб берилган.

Шарқ нозик масаладир, яъни Шарқда тафаккур услуби, билимни ифодалаш ва ўзлаштиришнинг нозик механизмлари, ҳақиқатга олиб борувчи йўлни ёритувчи ўз стратегиялари мавжуд. Шарқ тафаккур услубини шарқона амалиёт ва тажрибадан олинган усул ҳамда услуб ёрдамида тушуниш ва англаш мумкин. Ҳар бир орифнинг ҳақиқатни билиши ўзига хос ва

³² Ибн Сина. Указания и наставления. Раздел по метафизике. Часть пятая / Перевод с арабского, предисловие и комментарии Т.Ибрагима и Н.Ефремовой. – Москва: Orientalistica, 2019. – С. 45.

³³ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Муҳаммад Термизий. Маърифат ул-асрор (Сирлар маърифати) / Таржимон Абдулхамид Муҳаммад Турсун. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Мовароуннахр, 2018. – Б. 46.

³⁴ Ибн Сина. Трактат о любви (Рисала филь-ишқ) / Пер с арабс. С.Серебрякова – Тбилиси, 1976. – С. 63-64.

такрорланмасдир. Айнан бир масала юзасидан изотроп, бир хил эътиқодга эга бўлган, ҳар бир орифнинг мақом ва даражаси, маслағи индивидуал, ноёб, бетакрор дунёқарашининг инъикосидир. Инсон илоҳий ҳақиқатни адекват ва такрорланмас мақом ва манзилларда фақат ўзидан топа оладики, Аллоҳ уларга ато этган илоҳий қувват воситасида ҳақиқатга эришади: “Ҳақиқатга етишда илм ва ақлдан бошқа яна бир учинчи, илоҳий моҳият – валийлик ҳам бор”³⁵.

Ирфон ориф учун параметрлари табиий ва реал илоҳий импульс (туртки, куч)дир. Ориф илмнинг субъектлараро эканини таъминлаш, ашёларнинг яширин моҳиятини англаш, бирлик аро кўпликни кўра олишдек универсал ва трансцендентал билимларни шакллантиришга эришгани учун нарса-ҳодисаларнинг моҳиятига бошқа кишиларнинг назари билан ҳам қарай олади. Жумладан, туш орифнинг қалбига “сакинат” билан ўрнашади, уйғоқ ҳолатида у англаб етадиган сўзлар, тушида эса руҳига билдирилган ашё сўз ва калом (ҳадис) бўлади. Ҳадисга кўра, тушдаги руҳларга гапирилгани пайғамбарликнинг қирқ олтитадан бир “жузъ”ига тенг бўлади³⁶.

Тадқиқотда пайғамбарликнинг барча жузъларининг мазмун-моҳияти Ҳаким Термизийнинг “Маърифат ул-асрор” асарига таянган ҳолда очиб берилган.

Диссертант фикрича, ирфон ва Ҳақни таниш йўли қуйидагича белгиланади: биринчиси, асардан муассир (таъсир ўтказувчи)га, феълдан сифатга ва сифатдан Зотга (Ҳақ зотига) истидлол қилиш орқали. Бу йўл олимларга хосдир. Иккинчиси, кўнгилни поклаб, тафаккур (ақл-идрок) ва руҳни Ҳақдан бошқа барча нарсалардан ажратиш орқали. Бу йўл пайғамбарлар, набийлар, валийлар ва орифларга хос: Барча ошқору ниҳон Аллоҳдирки, Ҳақ аҳлидан бўлсанг, ҳаммасини фақат “Бир” деб бил. Илмдан Аслга бориш орифнинг дунёвий илмни эгаллаш воситасида асл манба Аллоҳ томон бориши, Уни таниб, англаши, шунингдек, дунёвий билимларсиз илоҳий илмларни эгаллай олмаслиги билан изоҳланади. Бу онгнинг зоҳирдан ботинга, маълум (аён)дан номаълум (сир)га саёҳати бўлиб, уни фақат ўзини Ҳақ илмига бахш этган Ҳақ йўлчиси англайди.

Мушоҳада орқали англашиладиган ҳақиқатнинг тавсифи қуйидагича: орифнинг нафсдан озод бўлган қалби ишқ билан покланади ва юксак руҳоний, акмеологик даражага кўтарилади. Унинг учун илоҳий оламини билиш дарчалари очилиб, ўн саккиз минг оламнинг шаклу шамоёили намоён бўлади: “Агар нафсингдан озод бўлсанг, Аллоҳдан ўзга ҳамма нарсдан озод бўласан”³⁷.

Орифнинг ҳақиқат ҳақидаги қарашлари унинг ҳақиқат ҳақидаги билимларининг инъикосидир. Ҳақиқатнинг ирфоний интерпретацияси мураккабликдаги соддаликни, хаос (тартибсизлик)даги тартибни,

³⁵ Ал-Ҳаким ат-Термизий. Илм ал-авлиё / Нашрга тайёрловчи С.Наср. – Қоҳира: Айн аш-Шамс университети, 1981. – Б. 85.

³⁶ Орифлар тасаллиси / Ҳаким Термизий асарларидан сайланма. Туш кўриш ҳақиқати ҳамда шайтон тушда набий (алайҳиссалом)ни тамсил қила олмаслиги ҳақида. – Тошкент: Movarounnahr, 2018. – Б. 78-83.

³⁷ Абдулқодир Гийлоний (Ғавсул-Аъзам). Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониш. I-китоб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 112.

тасодифдаги заруриятни, ўтмишдаги келажакни сабабий боғланишлар орқали янги ва юқори босқичларда илмий-назарий тадқиқ этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотда ҳақиқатнинг кенг қамровли истилоҳ экани, уни фалсафий-ирфоний талқин этишда интерпретация (нуқтаи назар, мақсад, вазифа, босқич, даража, шакл, восита, йўл, усул, услуб, таҳлил, тасниф, бутун, қисм нуқтаи назаридан ҳақиқатни идрок этиш), ҳақиқатни англашнинг асосий усуллари (“маърифат”, “эътиқод”, “ички сезги”, “ваҳий”, “илҳом”) бўйича фикрлар хилма-хиллиги, ирфоний билиш хусусиятларининг ўзига хослиги (ўз-ўзини тарбиялаш, тафтиш этиш, руҳиятни муайян ҳолатга ўзгартириш), ҳақиқат муаммосининг барча масалаларида мавҳум қараш ва тушунмовчиликларнинг мавжудлиги (абстрактлик, конкретлик, нисбийлик, мутлақлик) юзасидан айнан битта назарияни татбиқ этиш имконсиз экани, ҳақиқатни англаш мушкул бўлмаганида, одамлар ўртасида ҳақиқат талашини, динлар, мазҳаблар, оқимлар ўртасида ихтилофлар, тарафкашлик, муросасизликларга ўрин қолмаган бўлар эди, деб хулоса ясалган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Тасаввуф ва инсон руҳияти: ворисийлик ва замонавийлик тенденцияси”** деб номланган. Бобнинг биринчи параграфида ирфон ва инсон руҳиятининг тадрижий тараққиёти тадқиқ этилган. Шарқ фалсафий тафаккурида инсон ва унинг руҳи, руҳияти, сир-асрорини англаш долзарб муаммо сарасига кирган. Абу Али ибн Сино инсонни уч қутб, яъни руҳ, тафаккур ва жисм бирлигида кўрган. Бу қутблар бир-бирига узвий боғлиқ бўлиб, маълум бир қутбга кўрсатилган таъсир қолганларида ҳам акс этади. Шу сабабли руҳий ҳолат устидан ҳукмронлик инсонга ўз танаси ва онгини бошқаришга имкон беради. Абу Наср Форобий эса қуйидаги қарашни илгари сурган: “Одамлар ўзларининг хос хусусиятлари ва табиий эҳтиёжларига кўра жамият тузадилар. Уларнинг ҳаракат ва феълларини кундалик одатга айланадиган табиий қобилият белгилайди”³⁸.

Тасаввуфий-ирфоний адабиётларда инсон ва унинг борлиги муаммолари, маънавий покланиш ва юксалиш масалалари кенг таҳлил этилган. Ўрта асрлар мусулмон жамиятининг идеали бўлган комил инсон “жамии инсонларнинг ҳақиқати, одамийлар одамийси, ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)дир”³⁹. Илоҳий камолот даражаларини ўзида мужассамлаштирган Аллоҳнинг Расули башарият учун ахлоқий идеал бўлса, тасаввуфнинг асл мақсади – инсоннинг маънавий-руҳий камолоти мужассамдир. Инсоннинг вазифаси ўз-ўзини тафтиш қилиш, нафсини идора этиш, илм ва амал (илмнинг мағзи амалдир)ни муштарак олиб бориш, маърифатли бўлиш, ҳақиқатга эришишга қасд қилиш, қалбни Аллоҳга қаратишдир.

Техноген прогресснинг ҳозирги босқичида инсоният ечимини топмаган янги хавф-хатар ва таҳдидлардан юксак ахлоқий қадриятларга эга бўлиш ва ўз инсоний моҳиятини англаш орқали халос бўлади. Инсоннинг борлиқ билан яхлитлик ва уйғунликка эришиши, ўз руҳий оламидаги хаос (тартибсизлик ва стресс)ларни бартараф этиши учун масаланинг икки ечими

³⁸ Аль-Фараби. Философия политики. – Москва, 1989. – С. 229.

³⁹ Азизиддин Насафий. Зубдат ул-хақойиқ (Ҳақиқатлар қаймоғи) / Форс тилидан Н.Комилов таржимаси. – Тошкент: Камалак, 1995. – Б. 8.

таклиф этилди: биринчи ечим, инсоннинг ақл-заковат ва технологиялардан воз кечиб, табиат борлигининг бир қисмига айланиши, табиат билан уйғунликка эришиши бўлса, иккинчиси “неомелиористик” (энг яхши) табиат билан инновацион яшаш тарзи, яъни маънавий асосдаги уйғунликка эришиш орқали камолот даражасига етишдир.

Инсоннинг маънавиятини юксалтириш, иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш орқали бугунги кунда жамият дуч келган ижтимоий-сиёсий муаммоларни оқилона ҳал этиш имкони бор. Бунинг учун, аввало, онг ва дунёқарашни ўзгартириш талаб этилади. Инсониятни Ҳақ сари етаклайдиган йўл соғлом идрок ва янгича, инновацион тафаккур билан ўзликни топиш, инсоний ва илоҳий моҳиятни англашдир.

Бобнинг иккинчи параграфида инсон руҳиятини тадқиқ этишда интровертив ва экстрове́ртив ёндашув фалсафий-ирфоний таҳлил этилган. Интровертив ёндашувда инсоннинг онги, жони, руҳияти, инстинкти, фазилатлари, нуқсонлари каби муҳим хусусиятлари таҳлил этилиб, инсонни ботиний, “ичдан” (имманент) тушуниш, англаш назарда тутилади. Экстрове́ртив ёндашувда инсонга назар ташлаш, унинг моҳиятини таҳлил қилиш “сирдан” амалга оширилиши натижасида унинг ижтимоий ва табиий моҳияти, муайян мўлжалга мувофиқ инсоннинг Яратувчи, борлик, “универсум” ва шу кабилар билан алоқаси очиб берилган. Инсоннинг инсонлигини белгилайдиган фундаментал йўл ахлоқ ва маърифат бўлиб, инсон билан унинг Яратувчиси бўлган Аллоҳ, инсон билан унинг қалби, шахс, жамият, табиат ўртасидаги мувозанат барқарорлигини таъминлайди.

Ирфон қалб, руҳ, ақл ва нафс категориялари билан детерминистик боғланган мушоҳада тарзидир. Инсон руҳиятини тадқиқ этишда руҳ истилоҳи жон, қалб, сир, юрак, кўнгил, басират, дил, нафс каби тушунчалар қоришиб, турлича маънода талқин этилган. Ҳақим Термизийнинг “қалб” концепцияси асосида ирфоний билишнинг ҳар бир даражасида орифнинг руҳий-маънавий ҳолатининг ўзгариши очиб берилган: ашёлар зоҳирини билган сўфий ўзини ҳамма нарсани билгандек ҳис этса, ҳақиқат эшиклари очилгач, илмнинг бепоёнлигидан ҳайратланади⁴⁰.

Тадқиқотда инсон руҳияти руҳ, жон, жисм, қалб, сир, дил, нафс истилоҳлари билан таққослаб ўрганилган. Инсон руҳиятининг тадқиқи орқали ирфоннинг праксиологик хусусияти, бир томондан, ирфоннинг жонли, ҳаётбахш таълимот экани билан, иккинчи жиҳатдан, Аллоҳ билан таслимий, яъни илоҳий ҳукм, тақдирга бўйсунуш, сабаб (асбоб)дан алоқани батамом узиш ва сабаб қилувчи (мусаббиб)га боғланиш муносабати билан, учинчи тарафдан, инсон руҳияти, яъни ният, поклик, олийжаноблик, одамийлик каби фазилатлари орқали уйғунликка эришиши билан изоҳланган.

Бобнинг учинчи параграфида ирфонийлик ва дунёвийлик тамойилининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилиб, инсон руҳияти муаммоларининг инновацион ечими таклиф этилган. Ирфон илмининг генезиси ва моҳияти ҳақидаги қарашларни чуқурлаштириш, кейинги тўпланган тажрибалар,

⁴⁰ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳақим ат-Термизий. Баян ал-фарқ байна ас-садр вал-қалб вал-фуъод вал-лубб / Муқаддима муаллифи ва нашрга тайёрловчи: Н.Хер. – Қоҳира, 1958. – Б. 13.

аподиктив, тўлиқ ишончли фикр-мулоҳазалар ва хулосаларга таянган ҳолда ирфонийлик ва дунёвийликнинг уйғунлиги тамойилини таълим тизими модернизациясига йўналтириш орқали соғлом ижтимоий муҳит яратиш бугуннинг долзарб вазифасидир. Бу тамойилни амалга ошириш мумкин бўлган муайян стереотип ва стратегиялар: таълим ва тарбия муштараклиги; мазмун ва шакл мутаносиблиги; ўзликни англаш; соғлом танқидий тафаккур; интеллектуал ва маънавий камолот; руҳий юксаклик; ахлоқий баркамоллик; мукамал руҳий тарбияда мужассамдир. Соғлом ижтимоий муҳит бўлиши учун инсоннинг онги, руҳияти ва тафаккурини тиниқлаштириш ва тарбиялашга хизмат қиладиган шукроналик, сабрлилик, руҳий хотиржамлик, кечиримлилик, миннатдорлик каби факторларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот натижасида инсоният олдида кўндаланг турган муаммолар ижтимоий прогноз қилинган: жамият тараққиёти учун қатъиятли, мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқодли, ташаббускор, ватанпарвар, меҳнатсевар, ростгўй ва фидойи, ижодкор шахслар керак. Ирфонийлик ва дунёвийликнинг уйғунлиги тамойилини таълим тизими модернизациясига йўналтирилса, ёш авлодни етук шахс сифатида тарбиялаш, соғлом ижтимоий муҳит яратиш, тизимни бутунлай янгича тафаккур тарзига ўзгартириш, интеллектуал, маънавий салоҳиятни юксалтириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, халқ турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлидаги стратегик мақсад ва вазифалар ўз ечимини топади.

Инсон қалбини ёвузликдан асраш, турли таҳдид ва хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш барча даврлардан кўра айни дамда устувор аҳамият касб этмоқда. Инсоннинг одамийлигини белгилайдиган асосий мезонлар иймон, ахлоқ ва маърифатдир. Инсон руҳиятининг ирфоний таҳлилига инновацион ёндашув унинг маънавий камолоти учун кенг имконият яратади. Ана шунда Яратувчи, инсон, табиат ва жамият ўртасидаги мутаносиблик барқарор бўлади.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги назарий хулосаларга келинди:

1. Ирфон илмининг Шарқ фалсафий тафаккури ривожигаги ўрни қуйидаги омилларда теран акс этган: биринчидан, ирфон дунёвий ва илоҳий илм, шариат, тариқат илми билан бирга, дин ва фалсафа, калом ва ҳадис, ҳикмат ва тавҳидга оид илмларни бирлаштирган. Иккинчидан, ирфон маърифатни ахлоқий покланиш, риёзат билан боғлаган. Ирфон рационал ва иррационал билиш усулларини кўшиб, ақл ва қалбнинг диалектик алоқадорлигини кўрсатган. Инсон зоҳиран ва ботинан покланиб, ахлоқий юксалган, эзгу фазилат эгаси бўлиб, илм-маърифат ва руҳий-маънавий камолотга эришган. Бу жиҳат Абу Наср Форобийнинг “Ахлоқий фазилат эгаси бўлмай туриб, маърифат ва билим эгаси бўлиш мумкин эмас” деган қарашлари билан ҳамоҳангдир. Учинчидан, Ирфон Шарқ халқларининг тафаккур тарзи, ахлоқи ва маънавиятини белгилайдиган ҳодисага айланиб, умумбашарий қадрият сифатида инсон тафаккури сарҳадини кенгайтирган. Тўртинчидан, ирфоннинг асл моҳияти

Аллоҳни ва инсонни англаш бўлиб, инсоннинг яшашдан мақсади ўзлигини англаш ва Яратувчисини танишда мужассамдир.

2. Ирфон илми ҳақидаги диний-фалсафий концепция ретроспектив кетма-кетликда умумлаштирилса, ирфон онг парадигмасининг тарихдан тарихга қонуният асосида ўтиб, унинг ички хусусиятларини инсоннинг Худо, борлик, инсон, ҳаёт, рух, табиат, ўтмиш, бугун, келажак, мазмун, шакл, маъно, моҳият ҳақида тафаккур қилиш, оламни ақл ва қалб билан идрок этишга ундаш орқали очиб берадиган гуманистик қадрият экани англашилади.

3. Ирфон илмининг мистик ва эзотерик илмлардан фарқи унинг илоҳий моҳият кашфи, ахлоқ, ишқ, ҳикмат ва илм уйғунлигини мужассам этгани билан изоҳланади. Мистицизм ва тасаввуф ўртасидаги тафовут умумийлик ва алоҳидалик категорияси орқали теран англашилади, яъни мистицизм диндорнинг индивидуал руҳий тажриба жараёнида экстаз ҳолатга тушиши, ички маънавий-руҳий оламининг “порлаши”, илоҳиёт билан бевосита мулоқоти ва илоҳий ҳақиқатни кашф этишидир. Мистика “сақрал мулоқот” (муқаддас, Худога бағишланган)га йўналган онгнинг ўзига хос ҳолати билан боғлиқ амалиёт тури бўлиб, “мистицизм”нинг моҳияти ва унинг бошқа динларга хослиги билан боғлиқ. Тасаввуф турли шарт-шароитлар ва давр нуқтаи назаридан тавсифланса ҳам, ворисийлик маъносида ягона таълимотдир.

4. Ирфоннинг таркибий қисмлари қуйидаги тартибда белгиланди: “басират”, “илҳом”, “кашф”, “фаросат”, “қалб”. “Басират” руҳнинг илоҳий қувват билан англаб, қалб кўзи билан кўриши, англаши, идрок этиши, тафаккур қилишидир. “Илҳом” кўнгилга нур бўлиб қуйиладиган ботиний илм бўлиб, Ҳақ ва ҳақиқат, илоҳий ишқ, пок ахлоқ ҳақидаги эзгу ғоялар илҳом таъсирида ирфоний моҳият касб этган. “Кашф” ҳис ва ақл билан идрок қилиб бўлмайдиган ҳақиқатни ботиний нигоҳ билан кўриш бўлса, ориф борлик моҳиятини англашда “фаросат”га суянган. “Қалб”да Ҳақ маърифати тажалли этган.

5. Ирфон илмини нозикли тафаккур асосида қайта таҳлил қилишдан ҳосил бўлган аксиома шуки, ирфон умуминсоний қадрият сифатида жамият келажаги, ижтимоий барқарорлик, ҳозирги даврдаги мураккаб илмий-концептуал муаммоларни ҳал этишда беистисно “калит” вазифасини ўтайди.

6. Ирфон илми барҳаёт фалсафий, маънавий, маърифий, ахлоқий ғоялари билан жамиятнинг фалсафий-илмий дунёқараши, тафаккур тарзини тубдан ўзгартиради, яъни ташқи таъсир (хатти-ҳаракат)ни ички тузилиш (ахлоқ)га уйғунлаштириш орқали жонли тизим (инсон)нинг ички дунёси (камолот)ни фаоллаштирган. Натижада синергетик таъсир вужудга келган, яъни ички хусусият (маънавият)га мос келган ташқи таъсир (ахлоқий поклик) позитив таъсир (ишонч-эътиқод)ни ижобий ва зарур троектория (жаҳолатга қарши маърифат)га когнитив (билиш) аспектда тизимлаштирган.

7. Ирфон диний-ижтимоий ҳодиса сифатида борлик ва билишнинг моҳиятини ўрганишнинг рационал билишга “тесқари” бўлган алоҳида шакли ва иррационал билиш усулидир. Рационал билишнинг асоси ақл ва идрок бўлиб, муайян тизим ва шакллар доирасида бўлади. Ақл-идрок фаҳмлай ва пайқай олмайдиган, ақлнинг андозасига сиғмайдиган, тафаккур мезони билан ўлчаб бўлмайдиган ҳодисалар иррационал билиш усулидир. Ирфон фалсафаси асосида оламни билишнинг объекти ва субъекти муаммоси, завқ, жазба, ботиний ва зоҳирий илм муштараклиги, эмпирик ва рационал билиш муносабати, ирфоний

билиш даражаси, “ҳол” ва “мақом”, маърифатнинг орифона таҳлили, ҳақиқатнинг ирфоний интерпретацияси мужассамдир. Ирфон билишнинг олий даражаси сифатида қалбан билишни назарда тутса, ақл интуициянинг самараси бўлган кашфиётни рационал, назарий ёки рамз, тимсол, мажозлар воситасида тафсир этади. Ирфоний билиш усуллари илоҳий моҳиятни тўлалагича англаш имконини беради, бунда ақлий далил ва мантиқий таҳлилга ўрин қолмайди.

8. Ирфон илоҳий маърифат илми бўлиб, ирфон аҳлининг асл мақсади Аллоҳни билиш, таниш, англаш, севиш, илоҳий ҳақиқатга эришишдир. Рухий хуррият орифнинг экзистенциал борлиғини ўзгартиришга қодирдир. Ҳар қандай тортишув, динлараро келишмовчилик, мазҳаблараро зиддиятлар, мутаассиблик, айирмачилик, ментал ва этник низолар, қавмлараро урушлар, тоқатсизлик каби негатив ҳодисалар ўрнига бағрикенглик, сабр-тоқат, келишувчанлик, уйғунлик, муросасозлик ва ҳамжиҳатлик каби руҳоний ҳолатлар ижтимоий жараёнлар детерминациясини вужудга келтиради.

9. Дунёвийлик ва илоҳийлик муштарак ҳолда бир-бирини тўлдириб, бойитиб бориши орифнинг ҳар икки илми ўзаро уйғунлаштиришида намоён бўлган. Маърифат ва илм, ориф ва олим, “қол” ва “ҳол” илми диалектик уйғун бўлиб, инсон тасавури ва тафаккурининг “фоний” ва “боқий” дунё ҳақидаги тушунчаларини синтезлаштиради. Олим ҳар қандай воқеа-ҳодисани шарҳлашда далил-исботга асосланса, ориф эса ўзи англаган илоҳий ҳақиқат асосида фикрлаб, ҳеч бир мантиқий далилга эҳтиёж сезмайди.

10. Ирфоний билишда “вақт” истилоҳи лаҳза, замон ўтишини эмас, балки тилагувчи (талабгор), истаганини изловчи (ориф) учун ҳол вақти етганини англатади. Вақт ўтмиш билан келажак ўртасидаги замон бўлиб, ҳол вақти келганида ориф ўтмишни ҳам, келажакни ҳам фарқламайди. Қалб имон, эътиқод, яхшилик ва ҳикмат маскани бўлиб, қалбда маърифат майдонга келгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради. Қалбнинг тутуми ўзгаргач, аъзоларнинг амаллари ҳам ўзгаради, яъни амал “ҳол”га, “ҳол” “илм”га, “илм” “мушоҳада”га динамик юксалади.

11. Набий ва валийнинг муносабати бутун билан унинг қисмлари орқали ойдинлашади, яъни набий барча ахлоқий, маънавий, маърифий хусусиятни жам этган бўлса, ҳар бир валийда набийнинг айрим хусусиятлари акс этган. Мақомотдаги эволюцион жараён тавҳидни теран идрок этиш, ўзи ҳам тавҳиднинг бир қисмига айланиш, фанодан бақога ўтиш ҳолатини ифодалаб, руҳий камолот диалектикасини намоён этган. Ориф, ирфон ва маърифатнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги қарашлар идрок, билим, ахлоқ, қалб, ҳикмат орқали бир бутунликнинг мураккаб тузилишини шакллантирган.

12. Инсон руҳиятининг ирфоний тадқиқи рух, жон, қалб, сир, юрак, кўнгил, басират, дил, нафс каби истилоҳлар орқали очиб берилган. Рух инсондаги идрок қилувчи ва билувчи (хайвоний ва инсоний рух) латифликдир. Жон бирламчи борлиқ бўлиб, жисм тўрт унсурдан таркиб топган колипдир. Қалб руҳоний латифа бўлса, сир инсонга ўйлаш, мушоҳама қуввати ва камолини беради. Дил рух ва нафс орасидаги жавҳар бўлса, кўнгил инсон вужудига қувват ва нур берадиган, Аллоҳ жамолини кўрсатадиган кўзгу, басират “нафси нотиқа” билан рух орасида жой олган нуроний жавҳардир. Нафс инсон ҳаётини ҳаракатлантирувчи кучдир.

13. Инсон руҳиятининг ирфоний таҳлилига инновацион ёндашув глобал маърифий, маънавий-маданий жараёнларни уйғунлаштириш, умуминсоний кадриятларни асраш учун гуманистик аҳамиятга эга бўлиб, барча халқларнинг маънавий ва ахлоқий такомилга имконият яратади. Ирфоний тафаккур моҳиятан башарият маънавий-руҳий оламининг эсон-омонлигини сақлаб қолишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

14. Ирфон илми илоҳий моҳиятни кашф этиш, идеал, гўзал ахлоқ, мукамал ишқ, пок руҳоният, юксак маънавият, соғлом ақл ва ҳикмат уйғунлигини мужассам этган Аллоҳни таниш, билиш ва англаш илми бўлса, ориф инсон қалби ва руҳининг табиби, том маънода инсоншунос, ахлоқий камолот даражасига кўра, тафаккур аҳли учун юксак намунадир.

15. Ирфон аҳли ўз даври учун тўғри бўлган ўзига хос ғоялар мажмуини кашф этган. Бугуннинг вазифаси бу ғояларни замонга кўр-кўрона кўчириш эмас. Башарият бугун ҳикматга муҳтож, миллати ва динидан қатъий назар, ўз ҳаёт йўлини, мақсадини йўқотиб қўйган ҳар бир инсон қалбининг илоҳийлигини англаш орқали орифларнинг билимларидан фойдалана олади.

Юқорида келтирилган хулосаларга асосланиб, қуйидаги амалий таклиф ва методологик тавсиялар берилди:

1. Глобаллашув даврининг хусусиятлари ва фуқаролик жамиятининг ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ислом олий ўқув юртларида “Ирфон фалсафаси” бўйича махсус курслар ташкил этиш, таълим муассасалари, маҳалла, оммавий ахборот воситаларида ирфон ва юксак ахлоқий идеаллар тарғиботини амалга ошириш.

2. Хориж давлатлар кутубхоналарида сақланаётган ирфоний манбаларни тўплаш ва интернет тармоғида сайт яратиш, тасаввуфий-ирфоний асарлар каталогини жойлаштириш.

3. Тасаввуфий-ирфоний манбалар асосида ёшларнинг тарихий хотирани англашларига доир намунавий ёндашувларни ишлаб чиқиш, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини етказиш, ворисийлик асосида таълим-тарбиянинг “эпистемологик-инновацион симбиози” (инновацион онг, инновацион тафаккур, инновацион фаолият)ни таклиф этиш.

4. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида белгиланган “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясининг миллий дастури учун ирфонийлик ва дунёвийлик тамойилини таълим муассасаларига жорий этиш ва маънавий-маърифий ишларни шу асосда амалда йўлга қўйишни таклиф этиш.

5. Ўзбекистондаги Ислом цивилизация маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Могуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда тасаввуфий-ирфоний асарлар таржималарини амалга ошириш.

6. “Жаҳолатга қарши маърифат ғояси” асосида орифларнинг маърифий асарларидан узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фойдаланиш.

7. “Ирфон фалсафаси” мавзусида монография тайёрлаш ва нашр эттириш.

**РАЗОВЫЙ УЧЕНЫЙ СОВЕТ НА БАЗЕ УЧЕНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ИСАКОВА ЗАМИРАХОН РУХИТДИНОВНА

**ИРФАН И ЕГО РОЛЬ В РАЗВИТИИ ФИЛОСОФСКОЙ МЫСЛИ
ВОСТОКА (X-XIII ВВ.)**

09.00.03 - История философии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИХ НАУК (DSc)**

Тема докторской диссертации (DSc) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.1.DSc/Fa179.

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz), по адресу (www.ziyonet.uz) Информационно образовательного портала “Ziyonet”.

Научный консультант:

Тураев Бахтиёр Оманович
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Каримов Сохибназар Каримович
доктор философских наук, доцент

Нуритдинов Махмудходжа Низамович
доктор философских наук, профессор

Мадаева Шахноза Омонуллаевна
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация:

**Международная исламская академия
Узбекистана**

Защита диссертации состоится “___” _____ 2022 года в ___ часов на основании Разовой заседания Научного совета DSc.03/30.12.2019.F.02.02 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел. (0366) 239-13-87; факс (0366) 239-11-40. e-mail: rector@samdu.uz. Исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-этаж, 105-аудитория).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован за № ____). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел. (0366) 239-13-87; факс (0366) 239-11-40).

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 2022 г.
(Реестр протокола рассылки № ____ от “___” _____ 2022 г.).

Ш.Ш.Негматова

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
философских наук (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней
доктор философии (PhD), доцент

А.Р.Самадов

Председатель научного совета
при научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность диссертации. В последнее время в мире разработка системы конструктивных духовных ценностей с универсальными характеристиками, отвечающими требованиям формирования духовно-нравственного образа народов мира, становится все более актуальной в нормализации процесса международной культурной трансформации, возвышении общечеловеческих ценностей, объединении человечества к общей цели и привести его к взаимопониманию. В связи с этим, происходящем в мире в процессе глобализации сохраняется необходимость синтезировать с новостями текущей эпохи духовно-исцеляющее воздействие суфизма и ирфан в усовершенствовании человека, выполнять в соответствии с принципом преемственности и современности в борьбе с общечеловеческими пороками, так как “духовная нищета” и “моральный нигилизм”.

При освоении мирового научно-философского наследия проводятся фундаментальные исследования в рамках концепции онтологической, гносеологической, аксиологической, философско-эпистемологической, в частности, в кругу концепции социально-духовной совершенности человека. На основе изучения научно теоретического обоснования альтруистического содержания таких принципов, как консенсус и толерантность в контексте универсальных культур является важным представлением о сущности Бога, бытия и человека, выдвинутых духовным наследием суфиев. В этом смысле, определить место ирфан в развитии философской мысли Востока, классифицировать компоненты ирфана, восполнить пробелы в человеческой душе, нравственности и духовности, обратившись к трудам суфиев, инновационное исследование человеческой духовности становится необходимым объектом современной науки.

В Узбекистане особое внимание уделяется реализации идей, направленных на нравственное совершенствование и духовную зрелость в общественной жизни, повышение социального воздействия духовно-нравственных ценностей, исправление альтруистических нравственных норм, предотвращение деструктивных социальных угроз, просветительное действие к решению глобальных проблем. “Сохранение, изучение и передача исторического наследия из поколения в поколение один из важнейших приоритетов нашей государственной политики. В сегодняшнем глобализированном мире является жизненно важной борьба с новыми угрозами, в том числе, угрозой “массовой культуры” и появлением чувства зависимости, потери морали и нравственности и ценностей⁴¹. В данном контексте, создается необходимость всестороннего научно-теоретического исследования содержания и сути ирфанического мышления, возвышенной духовности, твердого убеждения в формировании равномерного мировоззрения, являющегося важной проблемой в философии ирфан,

⁴¹ Мирзиёев Ш. Мы решительно продолжим наш путь национального развития и поднимем его на новый уровень. I том. – Ташкент: Узбекистан, 2018. – С. 29.

внедрение в сознание молодежи сущность суфийско-философских и гуманистических идей, положительно влияющих на воспитание человека.

Данное диссертационное исследование служит в определенной степени реализации задач намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, в Указе Президента Республики Узбекистан УП-6017 “О мерах по коренному реформированию поднятую на новый уровень государственной молодежной политики в Республики Узбекистан” от 30 июня 2020 года, в Указе Президента Республики Узбекистан УП-6108 “О мерах по развитию сфер образования, воспитания и науки в новый период развития Республики Узбекистана” от 6 ноября 2020 года, Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-2995 “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников” 24 мая 2017 года, Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-3080 “О мерах организации Центра исламской цивилизации в Узбекистане при Кабинете Министров Республики Узбекистан” 23 июня 2018 года, Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 466 “О мерах по организации деятельности и поддержки Международной исламской академии в Узбекистане” от 22 июня 2018 года и другие нормативно-правовых документов, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлениям науки и технологии республики I. “Формирование системы социальных, правовых, экономических инновационных идей информационного общества демократического государства и пути их реализации”.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁴².

Научные исследования, направленные на изучение сущности суфизма и знаний в духовном наследий суфиев Востока, проводятся ведущими мировыми научными центрами и высшими учебными заведениями, в том числе Франкфуртским Институтом исследования мира, Центром научных исследований гражданского общества (Германия), Центром международных исследований Оксфордского университета, Школой культуры, религий и политики в Азии (Великобритания), Университетом Джорджа Вашингтона, Центром научных исследований Центральной Азии, Университетом Хофстра (США), Университетом Вестера Онтарио (Канада), Институтом Центральной Азии (Франция), Институтом международных отношений (Швеция), Университетом Аль-Азхара (Каир), Стамбульским университетом (Турция), Институтом Восточной рукописи РАН, Казанским государственным

⁴² Обзор зарубежных исследований по теме диссертации по материалам и других источников: <https://www.en.hs-furtwangen.de>; <https://www.en.uni.muenchen.de>; <https://www.univ-lille.fr>; <https://www.lse.edu>; <https://www.umich.edu>; <https://www.doshisha.as.jp>; <https://www.utoronto.edu>; <https://www.sbu.ca>; <https://www.unn.ru>; <https://www.library.fes.de>; <https://www.ritsumeiac.jp/>.

университетом (Казань), Дагестанским государственным университетом (Махачкала).

В источниках по истории мировой философии из анализа философских аспектов были получены следующие результаты: научно обоснованы роль тарикатов в истории суфизма и в общественной жизни (Humbolt University of Berlin, Германия); раскрыты общие и различные черты теологической сущности суфизма, калама, фикха и ирфана (Al-Azhar university, Каир); научно-теоретически обоснованы преемственное влияние суфийских принципов и суфийско-просветительских идей на принципы формирования совершенного человека (School of Culture, religions and politics in Asia, Великобритания); разработаны классификации источников научного и духовного наследия суфиев (Institute of Central Asia, Франция, Институт восточных рукописей РАН, Россия); научно исследованы духовное наследие суфиев, интеграция критериев совершенства и принципов толерантности (Hofstra university, Нью Йорк); в сфере истории суфизма в различных аспектах проанализированы духовное наследие среднеазиатских суфиев (Islamic Supreme Council of America); исследованы аксиологические принципы социально-этических воззрений мыслителей Центральной Азии (Санкт-Петербургский университет, Россия); исследованы аксиологические основы социально-этических воззрений суфиев (Дагестанский государственный университет, Махачкала); изучены принципы гуманизма и преемственности суфизма (Казанский федеральный университет, Казань).

В мире проводятся исследования по изучению философских аспектов развития суфизма и ирфана по следующим приоритетным направлениям: изучение эпистемологии божественного познания; антропология суфизма; научное обоснование диалектической взаимосвязи генезиса тарикатов и принципов преемственности; суфийско-ирфаническая сущность гуманистических идей; изучение тенденций суфизма; обширность его деятельности и развивающиеся как общечеловеческие ценности; раскрытие значения, перевод, толкование, сравнительный анализ суфийских рукописных источников и подготовка научно-критического текста.

Степень изученности проблемы. Исследования учения о суфизме, вопросы познания и философско-эпистемологических воззрений суфиев, живших в X-XIII вв. условно разделены на а) западных и восточных зарубежных востоковедов; б) советские востоковеды; в) узбекские ученые: историки, литературоведы и философы:

а) сущность суфизма, жизнь и деятельность суфиев, история тарикатов, их место в средневековом мусульманском обществе, тенденции развития, а также некоторые суфийские термины, раскрывающие особенности ирфанического познания исследованы зарубежными востоковедами, такими, как А.Арберри⁴³, М.Массиньон, А.Мец, Р.Никольсон, Б.Радтке, У.Рудольф, Дж.Тримингэм, У.Читтик, А.Шиммель и другими;

⁴³ Arberry A. Sufism. – London: George Allen and Unwin LTD, 1950. Работы других авторов указаны в списке используемой литературы диссертации.

Исследованиях восточных зарубежных ученых С.Гокбулут⁴⁴, А.Голпинарли, М.А.Джушан, А.Зарринкоб, С.Нафиси, Дж.Нурбахш, Н.Тосун, Э.Сельджик, У.Турар, С.Улудог изучены суфизм в развитии философской мысли Востока и некоторые аспекты проблемы ирфан.

б) в исследованиях советских востоковедов В.Бартольда⁴⁵, Е.Бертельса, А.Кныша, М.Мухамедходжаева, И.Петрушевского, А.Смирнова, М.Степанянца, Э.Фролова, А.Хисматулина раскрыты новые генезисы развития суфийского учения, тарикат, “хал”, “макамат” через философский анализ суфийско-ирфанических источников. Эти работы важны в раскрытии проблемы изучения роли ирфана в гносеологии, сущности суфизма данном исследовании.

в) анализ источников суфизма в исследованиях по истории А.Абдуллаева⁴⁶, А.Джужжани, М.Исмаилова, Д.Махсудова, А.Муминова, Н.Мухамедова, С.Окилова, И.Остонакулова, К.Рахимова, И.Усманова рассмотрены вопросы, связанные с аспектами суфизма, калама и философии, а также изучения духовное наследия представителей тарикатов.

В области литературы исследованы генезис и общность суфизма с художественной литературой Н.Камиловым⁴⁷, проблемы суфизма и единство бытия А.Абдукадыровым, соотношение суфизма и поэзии, ирфаническое толкование символа и метафоры И.Хаккуловым, роль Ходжи Ахрора Вали в развитии тариката Накшбанди Б.Валиходжаевым, совершенный человек – идеал литературы М.Мухиддиновым, макамат и его художественно-методологические особенности Б.Назаровым, отношение Алишера Навои к суфизму Д.Салохи, философия калама и духовное наследие Суфи Аллахяра Ш.Сираджиддиновым, научно-духовное наследие М.Замахшари З.Исламовым, Алишер Навои и тарикат накшбандия С.Олимовым, тарикат и мораль С.Рафиддиновым, изучение тариката яссавия и “Девани Хикмат” Н.Хасановым, пророческий мотив в узбекской литературе У.Кабилловым, понятия “знание” и “просвещение” в поэзии Алишера Навои А.Раззаковым, интерпретация “просвещения” и образ арифа в узбекской классической литературе Х.Латиповым.

В области истории философии академик АН Узбекистана, доктор философских наук И.Муминов⁴⁸ в научной основе изучал труды Мирзо Абдулкадира Бедиля и впервые начинал исследования учения суфизма.

За годы независимости изучение суфизма вступило в новый этап. М.Болтаев⁴⁹, М.Хайруллаев, Х.Аликулов, Р.Насыров, Г.Наврзуова, Б.Тураев,

⁴⁴ Gökbulut, Süleyman. Necmeddîn Kübrâ ve Kübrevîlik. Dokuz eylül universitesi. Doktora Tezi. – Ankara, 2009. Работы других авторов указаны в списке используемой литературы диссертации.

⁴⁵ Бартольд В. Мистицизм в исламе. Соч. Т. 6. Ислам. – Москва: Наука, 1968. Работы других авторов указаны в списке используемой литературы диссертации.

⁴⁶ Абдуллаев А. Место Абул Лайс Самарканди в трактовке Мавераннахра. Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 2007. Работы других авторов указаны в списке используемой литературы диссертации.

⁴⁷ Камилов Н. Суфизм. – Ташкент: Мавераннахр – Узбекистан, 2009. Работы других авторов указаны в списке используемой литературы диссертации.

⁴⁸ Муминов И. Философские взгляды Мирзы Бедиля. – Ташкент: Фан, 1957. – 110 стр.

⁴⁹ Болтаев М. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. – Душанбе: Ирфон, 1966. – 300 стр. Работы других авторов указаны в списке используемой литературы диссертации.

С.Каримов, Р.Шадиёв, М.Маматов, Ш.Мадаева, М.Хашимханов, К.Рузматзода, Ж.Халмуминов провели специальные исследования по изучению особенностей истории философии Востока и суфизма.

Важное место занимает в исследовании Р.Шадиёва – анализ генезиса среднеазиатских мистических учений, Г.Наврузовой – сущность и идея совершенного человека в развитии тарикатов, Н.Сафаровой – альтруистические идеи первого тариката ходжагон в Средней Азии, Б.Тураева – сущность человека в религиозно-философском наследии Махдуми Аъзама и Ходжа Исхака Вали, О.Шариповой – историко-философское учения Ходжи Абдулхалик Гиждувани и их значение в воспитании молодежи, А.Маматова – зарождение суфийской философии, Дж.Халмуминова – влияние учения о “вахдат ал-вуджуд” на тарикат Накшбанди, которые в рамках предмета послужили научно-теоретическому изучению данной проблемы.

